

МАДАНИЯТ, САНЪАТ ВА ХУНАРМАНДЧИЛИК – ХАЛҚИМИЗНИНГ УЛКАН МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

Президент Шавкат Мирзиёев маданият ва санъат соҳасида бошқарувни такомиллаштириш, хунармандчиликни ривожлантириш бўйича таклифлар тақдироти билан танишди.

Халқимизнинг улкан маънавий мероси бор. Бугунги кунда одамларнинг интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжлари муттасил ортиб бормоқда. Шу боис, маданият соҳасида бошқарув ва молиялаштиришни такомиллаштириш, бу борада илгор хорижий тажрибани жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Хусусан, маданият марказларида давлат-хусусий шериклик йўлга қўйилиб, ижодий ишланмаларни рағбатлантирувчи стартап лойиҳалар амалга оширилади. Ёшларда ватанпарварлик ҳиссини кучайтирувчи, Ўзбекистон брендини яратувчи тарихий, илмий ва анимацион миллий маҳсулотлар қўллаб-қувватланади.

Давлатимиз раҳбари соҳада илгор хорижий тажрибани босқичма-босқич жорий этиш бўйича кўрсатма берди.

Маълумки, Ўзбекистон Президентининг қарори билан Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти ташкил этилган эди. Энди санъаткорнинг мемориал музейини ташкил этиш, Ботир Зокиров номидаги стипендияни жорий қилиш, халқаро эстрада танловини ўтказиш режалаштирилган. Институтнинг бакалаврият босқичини тамомлаган энг фаол битирувчилар чет элга магистратурада ўқишга юборилади ҳамда иқтидорли талабаларнинг нуфузли халқаро танловлардаги иштироки қўллаб-қувватланади.

Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятига ташири чоғида халқ артисти Шерали Жўраев хотирасини абадийлаштириш ташаббусини билдирган эди. Шунга мувофиқ, Андижон шаҳридаги санъат мактаби негизинда ижодкор номидаги мусиқа ва санъат олий мактаби ташкил этилади. Ҳар йили Шерали Жўраев номидаги миллий қўшиқчилик теле-танлови ўтказилади.

Олий мактабда илмий-ижодий лаборатория тузилиб, Шерали Жўраев қўшиқларининг “олтин фонди” яратилади. Замонавий овоз ёзиш ва тасвирга олиш студияси ташкил этилиб, иқтидорли ёш ижодкорлар ундан имтиёзли фойдаланиши мумкин бўлади.

Ҳозир юртимизда Ўзбекистон давлат симфоник оркестри ҳамда филармония таркибига 8 та профессионал оркестр фаолият юритмоқда. Лекин улар фақат Тошкент шаҳрида, республика даражасидаги тадбирларда иштирок этади, холос.

Шу боис, бундай оркестрларни жойларда ҳам босқичма-босқич ташкил қилиш режалаштирилган. Жумладан, Фарғона вилоятида симфоник оркестр ва миллий чолгулар оркестри тузилади. Улар зарур мусиқа асбоблари, овоз кучайтириш ва ёритиш ускуналари, сахна либослари ва бошқа анжомлар билан таъминланади.

Давлатимиз раҳбари миллий ва жаҳон санъатининг сара асарларини аҳолига чуқур етказиш, туман ва шаҳарларга

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР ВА ЯНГИЧА ИШЛАШ АНДИЖОН ВИЛОЯТИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Давлатимиз раҳбарига Андижон вилоятида ислохотлар натижадорлиги ва янги режалар юзасидан ахборот берилди.

Ўзбекистон Президентининг 2024 йил 18 ноябрдаги қарори билан Андижон вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш чора-тадбирлари белгиланган эди. Жумладан, бу йил 3,1 миллиард доллар инвестиция олиб келиш, 1,5 миллиард доллар экспорт қилиш, 305 минг одамнинг бандлигини таъминлаш, 32 мингдан зиёд оилани камбағалликдан чиқариш кўзда тутилган.

Вилоятда йил бошидан буён 1 миллиард долларлик янги қувватлар, 344 та савдо ва сервис мажмуаси ишга тушган. Яна 2,5 миллиард долларлик лойиҳалар бошланган. Ўтган 6 ойда 850 миллион доллар инвестиция жалб этилиб, экспорт 465 миллион долларни ташкил этган.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил апрелдаги вилоятта ташири ҳамда унда белгиланган вазифалар ҳудуд ривожига қўшимча туртки берди. Яқинда илмий экспертлар, фаол тадбиркорлар иштирокида “Ислохотлар штаби” тузилди. Улар томонидан иқтисодий-ижтимоий соҳаларга оид янги таклифлар ишлаб чиқилган.

Тақдиротда мутасаддилар уларнинг асослари ва самарадорлиги бўйича ахборот берди.

МУСТАҚИЛЛИК – ЭРКИМИЗ, КАДР-ҚИММАТИМИЗ АСОСИ, УМРИМИЗ МАЗМУНИ



Бу йил мамлакатимиз мустақилликка эришгани, ота-боболаримиз орзу қилган ва ҳаттоки, бу йўлда жонини фидо қилган миллий истиқлолимиз қўлга киритилганига 34 йил тўлади. Бу улғу байрамнинг халқимиз ҳаётида тутган ўрни бекиёс. Зотан, миллий мустақиллик инсонга тақдим этадиган эркинлик, ҳурлик бутун умримиз, ҳаётимиз мазмунининг ўзагидир. Ўзаги мустақкам бўлмаган дарахт баланд ўсолмагани ёки ўсганида ҳам мўрт бўлгани каби мустақиллик барқарор тараққиёт гаровидир. Шунинг учун ҳам бу кун халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида бекиёс ўрин эгаллаган, ҳар йили энг улғу, энг азиз байрам сифатида катта шоду-хуррамлик билан нишонланади.

Ислохот одимлари ФАРОВОН ТУРМУШ, ОИЛАЛАРГА ТЎКИНЛИК УЛАШИШ ШАРАФИ КАСБИЙ КЎНИКМАЛАР МАРКАЗЛАРИНИ ХАЛҚҚА ЯҚИНЛАШТИРАДИ

Одамларни ишли қилиш, уларнинг доимий даромад манбаига эга бўлишида касбий таълим сифати жуда муҳим. Шу боис, мамлакатимизда кейинги йилларда ушбу жиҳатга алоҳида эътибор қаратаётгани Президентимизнинг аҳоли бандлигини таъминлаш ва касбий таълим тизимидаги янги ёндашувларга оид тақдирот билан танишиш чоғида яна бир бор қайд этилди.

Юртимизда мазкур масала ислохотларнинг устувор йўналиши эканлиги рўй бераётган ўзгаришларда, жойларда ишларнинг

изчил ташкил этилаётганида яққол кўзга ташланади.

Давоми 5-бетда

МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК ПАРАДИГМАСИ

XX аср сўнггида Марказий Осиё давлатлари мустақилликка эришган бўлса-да, ўрталарида совуқ ва ишончсиз муносабатлар ҳукмрон эди. Халқларимиз орасидаги тарихий боғлиқлик ўрини бекарорлик, тортишув ва шубҳа эгаллаганди.

Тарихий, географик ва этник жиҳатдан бир-бирига чамбарчас боғланган мамлакатлар савдо, чегара, хавфсизлик ва сув ресурслари масалаларида тортишувлар гирдобига ботиб қолганди. Минтақадаги муаммолар Марказий Осиёнинг ривожланмаслигидан манфаатдор кучлар томонидан сунъий равишда, қасддан пайдо этилганди. Чегаралардаги ўтказиш пунктлари ёпишган, тоғлар миналаштирилган, ҳеч бир соҳада ҳамкорлик, борди-келди йўқ, барча алоқалар, қадрият, тил, тарих, дин бирлиги каби тушунчалар четга суриб қўйилган эди.

Буюк ўзбек йўли



Мана шундай мураккаб шароитда 2016 йилда Ўзбекистон бошқарувиغا Шавкат Мирзиёев келганидан сўнг Марказий Осиё давлатлари муносабатида мутлақо янги саҳифа очилди. Очқиқлик, яхши қўшичиликка асосланган ташқи сиёсат нафақат

мамлакат ичида, балки бутун ҳудудда мустақкам хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилди.

Президентимиз ташқи сиёсатда “аввало, қўшнилар” тамойилини илгари сурди. Ёпиқлик, ишончсизлик ва

зиддиятлар соясида уруш ёқасига келиб қолган қўшничилик муносабатлари изчил ислохотлар туфайли мутлақо янги мазмун касб этди.

Давоми 3-бетда

ДУНЁДА – БИР КУН, ЮРТИМИЗДА – БИР ҲАФТА “ДЎСТЛИК” ФЕСТИВАЛИ 25-31 ИЮЛЬ КУНЛАРИ ТУРЛИ МИЛЛАТ ВАКИЛЛАРИНИ АТРОФИГА ЖАМЛАЙДИ

30 июль — Халқлар дўстлиги куни



Азал-азалдан ўзининг дўстлик, биродарлик ва бағрикенглик анъаналари билан шухрат қозонган қадимий ва бетакрор Ўзбекистон заминида ҳозирги вақтда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ўзаро тинч ва аҳил яшаб, юртимиз равнақига муносиб хисса қўшмоқда. Турли конфессияга мансуб диний ташкилотлар, “Дўстлик” жамиятлари ва 157 та миллий маданий марказ эркин фаолият кўрсатиб келаётир.

Давоми 6-бетда

МУСТАҚИЛЛИК – ЭРКИМИЗ, ҚАДР-ҚИММАТИМИЗ АСОСИ, УМРИМИЗ МАЗМУНИ



Муножат ЙЎЛЧИЕВА,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Бошланиши 1-бетда

Юртимиз ривожі йўлида амалга ошириладиган муҳим янгиланиш ва ислохотлар, илм-фан юксалиши, спорт соҳасидаги ютуқлар, турли жаҳонларда изланишлар олиб бораётган олимларимизга юксак эътибор, республикамиз иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётининг ҳар бир соҳасига инновацияларнинг жорий этилиши бўйича қилинаётган сайй-ҳаракатлар бугун ўз самарасини бермоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши бунинг аққол мисолидир.

Мустақиллиқнинг қадр-қиммати ва аҳамияти йилдан йилга ортиб бормоқда. Мамлакатимиз тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйиб, барча соҳа ва тармоқларда янгиланиш жараёнлари кечмоқда. Ўтган давр эркин ва фаровон ҳаётни, буюк келажакни фақат ва фақат мустақиллик асосидagina қуриш мумкинлигини кўрсатди. Бу вақт ичида суд-хуқуқ соҳасида ҳам улкан ўзгаришлар юз бердики, соҳа тубдан янгиланди, десак хато қилмаган бўламиз. 2023 йилда умумхалқ референдуми асосида Конституциямизнинг янгилангани эса барча йўналиш ва жаҳонларда ўз самарасини кўрсата бошлади.

Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” шиори остида ўтказилишида ҳам теран маъно борки, бугун дунёда сиёсий беқарорлик юз бериб турган айни кунларда, бизнинг бирлик, бирдамликка янада кўпроқ эҳтиёжмиз бор. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарориди ҳам кўп миллатли ва кўп конфессияли жамиятимиздаги тинчлик, ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳити

— бизнинг бебаҳо бойлигимиз экани, уни асраб-авайлаш ва мустақамлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиз бўлиб қолиши зарурлиги алоҳида қайд этилгани эътиборга молиқдир.

Ҳеч бир мамлакат ўзи ёлғиз ҳолда тараққий этган эмас. Чунки мураккаб дунёнинг кўпдан кўп муаммолари айнан ҳамкорликда, дўстона тарзда ҳал этилади. Шу жиҳатдан қараганда, Ўзбекистонда ҳавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш орқали давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, қўшниларимиз билан рақобатлашиш эмас, балки ҳамкорлик қилиш, минтақамиздаги муаммоларни биргаликда ҳал этиш тамойилига қатъий амал қилинмоқда. Давлатнинг халққа бундай қайишиши натижасида одамларнинг руҳиятида катта ўзгариш юз берди. Фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги ортиди, сиёсий ҳабордорлик даражаси кўтарилди.

Яна бир гап. Истиқлол йилларида янги амлод камолга етди. Энг муҳими, ҳаётининг маъно-мазмуни, мақсад-муддаоси ва дунёқараши тубдан ўзгарган юртдошларимизни мустақиллиқни янада мустаҳкамлаш, тинчлик ва оқийишталигимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, баркамол авлодни тарбиялаш, мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузини янада юксалтиришдек эзгу мақсадлар бирлаштирди.

Истиқлол — миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳондаги обрў-эътибори, шон-шавкатини кўтарадиган соғлом авлодни, ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни вояга етказиш ва бахтини кўришидир.

Умуман олганда, ўттиз тўрт йил — тарих учун бир лаҳза, холос. Лекин шу даврда жонажон Ватанимиз барча соҳаларда улкан ютуқларга эришди. Айниқса, кейинги 7-8 йилдаги янгиланишлар самарасида қўлга киритаётган ютуқларимиз, эришаётган оламшумул натижаларимиз асрларга татигулик. Зеро, юртдошларимиз бу кунни, том маънода эркин, ҳурлиқни, истиқлолнинг асосий моҳияти бўлган эъзозни, инсон қадр топишини узоқ кутди. Энг муҳими, кейинги йилларда олиб бориладиган халқпарвар сиёсат, халқимиз, айниқса, ёшларга ўз салоҳияти ва иқтидорини юзага чиқариш йўлида яратиб бериладиган шароитлар, бу борада тақдим этиладиган қўлайлиқлар одамларнинг руҳиятида катта ўзгаришлар ясади. Бу ижобий ўзгаришлар, аввало, аҳолининг турмуш тарзида, кундалик ҳаётида бўй кўрсатмоқда.

Яқин-яқингача ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар муаммоларини ҳал этиш борасида давлат идораларига кўплаб муурожаат қиларди. Уларнинг аксарияти эса тўлиқ қаноатлантирилмаган. Негаки, ижтимоий ҳимоя муассасасининг фаолияти фақат давлат томонидан ажратилган ёрдамларни егаларига етказишдангина иборат бўлиб қолганди. Ногиронлиги боларни тиббий ва ижтимоий реабилитация қилиш, фаол ҳаётга жалб этиш, аҳолининг заиф қатламини тўлақонли қўллаб-қувватлаш ишлари суств ва манзилли йўлга қўйилмаган эди. Бериладиган ёрдамлар, кўрсатиладиган хизматлар ҳақидаги қозғошдаги ҳисоботлар кўпинча ҳақиқий ҳолатни тўлиқ акс эттирмасди.

ИЖТимоий ҳимоя амалий кўмак тизимига айланди

Президентимизнинг 2023 йил 1 июндаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (ИХМА) ташкил этилиши соҳадаги ислохотларнинг туб бурилиш дaври бўлди. Натижада ўтган қисқа даврда соҳа мисли кўрилмаган ўзгаришларга юз тутди. Бунинг Жижазх вилоятида амалга оширилаётган ижобий ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Ўзбекистон Президентини хузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилгандан буюн ўтган даврда эҳтиёжманд тоифани аниқлаш бўйича янги мезонлар ишлаб чиқилиб, уларнинг айнан қандай ёрдамга муҳтожлиги аниқ белгиланди, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Жижазх вилояти бошқармаси бошлиги Нодирбек Шарипов. — Ўрганишлар давомиди 45 минг ногирондан 11 минг нафарининг ишлаш имконияти ва истаги борлиги аниқланди. Айни пайтда уларнинг 5 минг нафарини иш билан таъминлаш тadbирлари амалга оширилмоқда. Оғир вазиятдаги оилаларга ижтимоий иш (кейс) очилиб, уларга ўзига мос хизматлар кўрсатишмоқда. Маҳаллардаги ижтимоий ҳодим “маҳалла еттичилиги”ни жалб этиб, тегишли идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда кўмакка муҳтож оилаларда аниқланган муаммоларни бартараф этмоқда.

Бу ишда асосий жавобгарлик ҳар бир маҳалладаги ижтимоий ҳодим зиммасига юклангани масъулиятни ошириб, самарадорликка хизмат қилияпти. Улар ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳар бир фуқаро муаммосини, оиласининг эҳтиёжларини чуқур ўрганиб, кейс усулида кўмак бeряпти.

Маълумки, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими бошқа ахборот тизимлари билан интеграция қилинган. Бу замонавий иш услуби маҳалла ижтимоий ҳодимлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва юри-тиладиган ҳисоботларни рақамлаштирилган ҳолда амалга оширишда қўлайлик яратди. Ўзгалар парваришига муҳтож ҳамда ёлғиз яшайдиган кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар реестри “ИХМА Ёлғиз кекса” тизими орқали юритилади. Уларнинг ижтимоий ҳолати баҳоланади ва ижтимоий ҳодим ассистентлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар мониторинг қилиб бoрилади.

— Кимнингдир муурожаат қилишини кутиб ўтирмадиган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар муаммоларини тўлиқ ўрганиб чиқиб, “маҳалла еттичилиги” билан ҳамкорликда тегишли ёрдам кўрсатиш, — дейди Зафаробод тумани Ёрқин маҳалласининг ижтимоий ҳодими Ўткирбек Файзуллаев. — Масалан, Тўлмурдовлар оиласини ўрганиш давомиди кейс очилди. Шу асосда оила психологик қўллаб-қувватланди, юридик хизматлар кўрсатилди. Умуман, оиланинг барча эҳтиёжи қамраб олинди. Натижада оила бошлиғига қонуний тартибда ногиронлик

расмийлаштирилди. Икки нафар фарзанди учун ҳам нафақа тайинланиб, улар бепул мактабга таълим ташкилотига жойлаштирилди. Ҳозир оила аъзоларининг барқарор даромад манбаига эга бўлишини таъминлаш мақсадида бандлик бошқармаси билан ҳамкорлик қилияпмиз. Тез орада бунинг ҳам ижобий ҳал етмазми.

Ногиронлиги бўлган фуқароларни иш билан таъминлаш фақат моддий тарафдан эмас, маънавий қўллаб-қувватлашда ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда ижтимоий ҳодимлар ногирон инсонларни имконияти даражасида, ўзлари хоҳлайдиган иш билан таъминлашга эътибор қаратмоқда. Шу орқали улар доим



эътибор ва эъзозда эканини ҳис этиб, ҳаётдан рози бўлиб яшапоти.

— Бахтсиз ҳодиса туфайли умуртқа поғона шикастланиб, ногирон бўлиб қолганман, — дейди Жижазх шаҳрида яшовчи Бердир Туратов. — Бироқ инсон ҳар қандай ҳолатда ҳам умидсизликка тушмаслиги керак экан. Аввалдан темир буюмлар ясаш қўлимдан келарди. Маҳалла ижтимоий ҳодимининг кўмагида ўзим каби ҳаракат-таянч аъзоси шикастланган ногиронлар учун металлдан ҳаракат қурилмаси ясаётиман. Бу иш ҳаётимга янги мазмун киритди. Жамият учун керакли одам эканимни ҳис қилишман. Ҳалол меҳнат туфайли оиламга доимий даромад олиб қиряпман. Меҳнатим самараси бўлган маҳсулотларни истеъмолчиларга етказишда ижтимоий агентлик беиминат кўмак бeряпти. Ижтимоий хизматларни бевосита маҳаллаларга, қиз каби ногиронларнинг хонадонларига кўчиргани учун давлатимиз раҳбарига минг раҳмат.

— Кўрсатиладиган гамхўрлик ҳаётга, эртанги кунга ишончнинг самасидам, — дейди Форинш тумани Уҳум маҳалласида яшовчи Зокир Низоов. — Ижтимоий ҳимоя агентлиги томонидан электрда ҳаракатланадиган аравача берилди. Оилам камбағаллик рўйхатига қир-

тилиб, болалар нафақаси белгиланди. Турмуш ўртоғим менга қаровчи сифатида расмий-лаштирилди. Бу ишларнинг барини амалга оширишда маҳалла ижтимоий ҳодими беиминат ёрдам кўрсатди. Мендек мустақил ҳаракатлана олмайдиган, ўзгалар ёрдамига муҳтож инсонларга кўрсатиладиган гамхўрликдан беҳад миннатдоримиз.

Жижазх шаҳар Нуронийлар масканида катта ёшдаги ва оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган ногиронлиги бўлган кексаларни фаол ҳаётга жалб этиш лойиҳаси бўйича ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Мас-канда нуронийлар учун 10 га яқин турли

тўғарақлар ташкил этилган. Ҳафтанинг икки кунини қариялар учун соғломлаштириш, спортнинг шахмат, шашка, шунингдек, тўқувчилик, бичувчилик, тикувчилик, каштачилик, пазандачилик, богдорчилик ва бошқа тўғарақлар ташкил этилган. Унда етук мутахассислар якка ёлғиз, ногиронлиги бўлган қариялар билан шуғулланади. Асосан, реестр рўйхатида турувчи бу қариялар учун тез-тез турли маънавий-маърифий тадбирлар, спорт беллашувлари, викторина ва танловлар ҳам ўтказилиб турлади. Хусусан, Дўстлик тур-манидаги “Адаптив спорт” мактабиди ҳам бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

тайинланди. Ногиронлиги бўлган яна 15 нафар бола реабилитация қилинди.

Яна бир муҳим ўзгариш. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ички ишлар тизимидаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази билан ҳамкорлиги янгича шаклда йўлга қўйилди. Энди вақтинчалик яшаш масканларидаги болаларга барча шароит яратилишига доим эътибор қаратишмоқда. Марказга олиб келинган ҳар бир вояга етмаган бола тиббиёт ҳодими, руҳшунос, тарбиячиларнинг доимий назоратида олинган.

Шунингдек, имконияти чекланган болалар муассасалари билан ҳамкорликда ишлаш ҳам янги босқичга кўтарилди. Жумладан, ижтимоий агентлик Жижазх шаҳридаги 32-мактаб-интернат гамхўрлик жамоаси билан ҳам яқин ҳамкорликда муассаса тарбияланувчиларига етарли шароит яратишга доимий эътибор қаратяпти.

— Мактаб-интернатимиз Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги маблаглари ҳисобидан махсус жиҳозлар билан етарлича таъминланди, — дейди муассаса директори Нодир Инатов. — Ҳозир 279 нафар имконияти чекланган, ақли заиф ўғил-қизга таълим-тарбия ва муолажалар бeряпмиз. Ижтимоий агентлик ҳамкорлигида муассасамиз қошида 4-6 соатлик “Гамхўрлик гуруҳи” ташкил этилган. Ушбу гуруҳга таянч ҳаракатларида, қўл, юз ва бошқа аъзоларда, руҳиятида, нутқида нуқсонни бор болаларни ота-оналари олиб келиб, малакали мутахассислардан муолажа олади.

Худудлардаги ихтисослаштирилган мактаб ва мактабга таълим ташкилотларида “Ота-онага ижтимоий ҳордик” тамойили асосида “Гамхўрлик гуруҳлари” ташкил этилмоқда. Бундан мақсад ногиронлиги бўлган фарзанди парваришидан руҳан ва жисмонан толиқдан ота-оналарга ҳордик чиқариш ёки бирор машғулот билан шуғулланиши учун шароит яратишдир. Вилоятда бундай ихтисослаштирилган 4 та мактаб ва 1 та мактабга таълим ташкилоти мавжуд.

Жорий йил 10 май кунини Президентимизнинг “Таъинқ ва ўзравонлиқдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиши тақомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Тизимда ушбу қарор асосида аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласига катта эътибор қаратишмоқда. Хусусан, худудлардаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари томонидан таъйик ва ўзравонлиқдан жабрланган ёки жабрланиш ҳафти остида бўлган хотин-қизларга ҳимоя орди талаб етмаган ҳолда ижтимоий, психологик ва юридик хизматлар кўрсатиш тартиби жорий этилди.

— Турмушдаги оғир зарбалардан ва моддий жиҳатдан қийналиб, руҳий тушунликка тушиб қолганмиз, — дейди Шароф Рашидов туманида истиқомат қилувчи Д.Доншова. — “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази психолог Саодат Эгамқулова томонидан ўтказилган бир неча босқичли муолажалар натижасида аста-секин ҳолатим яхшиланди. Ҳаётга бўлган ишончим ва кучим тикланди. Яна фарзандлари учун яшайдиган, ўзим учун курашадиган инсонга айланган. Ҳаммаси учун раҳмат.

Яқинда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси томонидан яна бир ибратли иш — “Сен билмаган қарамон” медиа лойиҳасини амалга ошириш бошланди. Вилоят оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳада жисмоний имконияти чекланган, аммо уни мардондор енгитиб, фаол ҳаёт кечираётган, фақат ўзига эмас, жамиятга наф қилариётган иродали кишилар ҳақида ҳикоя қилинади.

Албатта, булар Агентлик томонидан худудда амалга оширилаётган ишлардан айрим мисоллар, холос. Бугун тизимда 250 турдаги ижтимоий хизмат кўрсатишмоқда. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами вакиллари билан 7 та йирик йўналишда иш олиб бoрилямоқда. Тизим ҳодимлари маҳалла еттичилиги билан ҳамкорликда ҳар бир ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаронини давлатимиз гамхўрлигидан баҳраманд тутиш учун зиммасидаги масъулиятини теран тушуниш иш олиб бeряпти. Бу каби амалга ошириладиган ишлар мамлакатимизда барча учун тенг имкониятни ва адолатли жамият яратишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

МЕҲНАТ БОЗОРИ ЭҶТИЁЖЛАРИГА МОС КАСБҲИЙ ТАЪЛИМ ИШСИЗЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

XXI асрда меҳнат бозори мисли кўрилмаган ўзгаришларга юз тутаяпти. Сунъий интеллект, автоматлаштириш, рақамли технологиялар, иқлим ўзгаришига мос касблар ва пандемиядан кейинги янги меҳнат муҳитлари туфайли дунё бўйлаб касб-хунарт таълими тубдан янгиланаяпти.

Эндики масала одамларни доимий равишда ўзгарувчан бозорларга мослаштиришга тайёрлашдан иборат. Бу шароитда Ўзбекистоннинг жорий йилдан бошлаб амалга оширилаётган касб-хунарт таълими ва бандлик сиёсати нафақат ички ислохот, балки глобал меҳнат бозориди рақобатга мослашиш йўлида ташланаётган стратегик қадамдир. Демак, энди жамиятда касб инсонлар ўртасидаги тенгликнинг қалити деган янги иқтисодий парадигма шаклланди.

Рақамлар шунчаки статистика эмас, унинг ортида жамиятнинг ижтимоий прогнозлари яширинган. Ўзбекистон бугун 5,2 миллион одамни банд қилиш, бир миллиондан ортқ кишини касбга ўргатиш, 1,5 миллион фуқаронини камбағалликдан чиқаришни режалаштирмоқда.

Агар рақамларга эътибор берадиган бўлсак, 2025 йилнинг биринчи яримиди 3 миллион фуқаронинг бандлигини таъминлади, 725 минг кишини камбағалликдан чиқарилди. Бу қисқа вақт ичида эришилган мисли кўрилмаган натижа.

Ушбу кўрсаткичлар мамлакатимизда меҳнат бозорини ислоҳ қилиш, аҳолини касбга йўнал-

“Ўзбекистон – 2030” стратегияси

тириш ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш борасида олиб бориладиган сиёсатнинг амалий самарасини аққол намоён этади. Агар глобал таъриба билан солиштирилса, бундай қўламдаги ўсш кўпинча бир неча йиллик дастурлар давомиди кузатилади. Масалан, Жанубий Кореяда иқтисодий юксалиш босқичида бу даражадаги бандлик ўсиши кўпроқ саноат парklarини ишга тушириш ва таълим тизими билан узвий боғланиш орқали 3-5 йил ичида амалга оширилган. Ўзбекистон эса ушбу кўрсаткичга атиги олти ойда эришди.

Бу ёндашувлар ижтимоий ёрдам маркази пассив сиёсатдан ишлаб чиқарувчанлик, кўникма ва рақобатга асосланган фаол сиёсатга ўтишни аниқлатади. Бу йўл Европа Иттифқи ва Скандинавия давлатларида аллақачон тан олинган бандлик ижтимоий интеграциянинг негизиди турувчи моделга яқин. Швеция, Германия ёки Нидерландияда камбағаллиқни қаматийиришнинг асосий воситаси иш йўналирини яратиш эмас, фуқароларни ишга тайёрлашдан иборат.

Мамлакатимизнинг бутунги ёндашуви ҳам айнини шу манзилдан бошлаб миллий шароитларга мос йўналишда ҳаракатланаяпти. Бу борадаги салмоқли сайй-ҳаракатлар таълим тизимини ислоҳ қилишдан бошланади. Демак, энди тизимда таълим муассасаларининг реал иқтисодиёт соҳаси билан интеграциялашуви алоҳида ўрин тутаяди. Айни мақсадда жорий йилнинг сентябрь ойидан бошлаб пилот лойиҳа йўлга қўйилади. У мактаб, техникум ва университетларни ягона иш бeрувчиларнинг эҳтиёжлари ва иқтисодиётнинг истиқболли йўналишларида мос кадрлар тайёрлаш тизими-ми билраштирилади.



Бундай ёндашув нафақат касб-хунарт таълим сифатини оширади, балки назарий билим билан амалий кўникмалар ўртасидаги тафовутни қисқартиради. Бунда илмий тадқиқотларни таълим жараёнига фаол татбиқ этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айни шу орқали амалий масалаларни ҳал қиладиган ва турли соҳаларда инновацияларни илгари сура оладиган мутахассисларни етиштириш мумкин.

Шунингдек, нодавлат таълим секторига ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Касб-хунарт таълимининг умумий ҳажмидаги улушини 30 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда. Шу орқали сифатли таълим олиш имкониятини кенгайти,

рақобат кучаяди ва натижада кадрлар тайёрлаш даражаси ошади.

Бундан ташқари, жорий йилда 42 миллиард долларлик хоржий инвестицияларни жалб этиш ва экспорт ҳажмининг 30 миллиарддан ошириш бўйича режалар мамлакатимизда юксак салоҳиятга эга иқтисодий тараққиёт йўлга қўйилганини билдиради. Бу эса ўз навбатида, замонавий ва малакали кадрларнинг мавжудлигига бевосита боғлиқ.

Яна бир муҳим жиҳат: “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида таълим тизими ислохотларида алоҳида эътибор қаратилиб, касбий таълим ҳажмининг икки баробарга ошириш белгиланган. Хусусан, умумий ўрта таълим тизимида

“Таълим учун қўлай муҳит” дастурини амалга ошириш, умумий ўрта таълимни ривожлантириш учун хусусий секторни кенг жалб қилиш, профессионал таълим тизимини ривожлантириш орқали ўқувчиларни замонавий билим ва кўникмаларга ўргатиш каби қатор мақсадлар шулар жумласидан.

Шундай экан, ушбу мақсадларга эришиш учун сифатли таълим зарур, фақат угина барқарор иқтисодиётнинг таъминлаб, узоқ муддатли ўсш учун мустаҳкам пойдевор ярата олади.

Таълим ва бандлик бўйича янги ёндашувлар нафақат мавжуд касблар учун кадрлар тайёрлашни, балки келажакда талаб этиладиган янги компетенцияларни шакллантиришни ҳам кўзда тутади. Уларга рақамли саводхонлик, тадбиркорлик кўникмалари ва ўзгарувчан бозор шароитида ишлаш қобилиятлари қиради.

Қайд этиш керакки, юртимизда давлат бизнес ва таълим муассасалари ўртасидаги фаол ҳамкорлик орқали инсон капиталини барқарор ривожлантириш шароитларини яратмоқда. Натижада нафақат аҳолининг ҳаёт даражаси яхшиланади, балки замонавий рақобатбардош иқтисодиёт шаклланади. У глобал жараёнга муваффақиятли мослашишга қодир бўлади.

Давлатимиз раҳбари аҳоли бандлигини таъминлаш ва касбий таълим тизимидаги янги ёндашувларга оид тақдимот билан танишар экан, жорий йилда бу соҳада хорижий таъриба асосида янгича ёндашувлар йўлга қўйилгани алоҳида қайд этилди.

— Тақдимотда биринчи ярим йиллик натижалари ва олдимизда турган асосий вазифалар муҳокама этилди, — дейди Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазири Ботир Зоҳидов. — Агар рақамларга эътибор қаратилган бўлсак, сарфланётган маблаг, кўриладиган чора-тадбирлар ўз самарасини бeраётганига гувоҳ бўламиз. Хусусан, банклар маҳаллаларга боғланиб, биринчи ярим йилликда 3 миллиондан зиёд аҳоли даромадли меҳнатга жал-

қилинди. Камбағаллиқни қисқартириш борасида яратилган тизим самараси ўлароқ, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига қўра камбағаллик даражаси 6,8 фоизни ташкил қилди.

Шу билан бирга, бугун иш бeрувчилар билан ҳамкорлиқни кенгайтириш, малака оширишини янги даражага кўтариш ҳамда хусусий сектор иштирокчини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Касбий таълимнинг меҳнат бозори эҳтиёжларига мос келмаслиги кадрлар тайёрлашда муайян муаммоларга сабаб бўлмоқда. Меҳнат муносабатларидаги айрим меъёрлар тадбиркорлик субъектлари, айниқса, кичик корхоналар учун мураккаблик туғдирмоқда.

Шунингдек, амалдаги талаблар иш бeрувчиларни ҳақиқий вакансияни очиқ эълон қилишга рағбатлантирмайди. Оқибатда бу маълумотларни яширишга олиб келиб, меҳнат бозорини тўғри таҳлил қилиш ҳамда касбий таълим йўналишларини аниқлаш имконини чекламодда.

Тақдимотда маъзур муаммоларни ҳал этишга қаратилган янги режа ва ташаббуслар ҳақида маълумот берилди.

Касбий таълим сифатини янада ошириш мақсадида хусусий сектор вакилларини Касбий кўникмалар марказлари фаолиятига жалб этиш, айрим марказларни эса аниқ соҳалар бўйича ихтисослаштирилган таълим масканларига айлантириш режалаштирилган. Бунинг учун касбий таълимни уч босқичли тизимга ўтказиш вазифаси қўйилди. Жумладан, интернет орқали бепул видеоларларни жорий этиш, ишловчи фуқароларга қайта тайёрлашнинг ёки малака ошириш учун “касб ваучери” орқали имконият яратиш тизидан кўрсатмалар бeрилади.

Бир сўз билан айтганда, малакали кадрлар тайёрлаш ишсизлик ва камбағаллиқни қисқартиришга хизмат қиладиган энг муҳим омиллардан бири. Жорий йилга мўлжалланган режа ва дастурлар мамлакатнинг кенг қўламли ислохотларга тайёргилини кўрсатади. Бу эса замонавий, мослашувчан ва самарали меҳнат бозорини яратишга қаратилган. Фақат шундай тизимли ва комплекс ёндашув орқали глобал ўзгаришлар шароитида иқтисодиёт ва жамиятнинг барқарор тараққиёти учун зарур малакали кадрлар тайёрланади.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Агар Марказий Осиёни бир организм деб тасаввур қилсак, у ҳолда бу организмдаги “тромблар”, яъни йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар, сунъий тўсиқ ва ишончсизликлар бутун танада қон айланишини издан чиқарган эди. Ана шу тўсиқлар моҳирлик билан очилди. Минтақада мулоқот, ҳамкорлик ва ривожланиш эркин оқим режимига тушди.



этнода. Термизда Афғонистон юклари учун махсус логистика маркази ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Сурхондарё вилоятининг Термиз туманида Ўзбекистон — Афғонистон чегарасида фаолият юритаётган “Термиз халқаро савдо маркази” эркин савдо зонасининг Марказий Осиёда ҳозирча муқобили йўқ, ЭИЗ 36 гектар майдонда жойлашган ва Афғонистон, Покистон ҳамда бошқа мамлакатлар тадбиркорларига саноат, истеъмол товарлари савдосини ўстиришда ёрдамчи бўлмоқда. Унинг йиллик савдо ҳажми 1 миллиард АҚШ долларини ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Афғонистонга фақат иқтисодий эмас, балки инсонпарварлик ёрдами кўрсатишда ҳам фаол. Қўшни ҳудудда кейинги йилларда бошланган инқироз пайтида Ўзбекистон юк автомобиль карвонлари орқали озиқ-овқат, дори-дармон, кийим-кечак каби ёрдам юборди.

Шу билан бирга, Термиз шаҳрида Афғонистон ёшлари учун махсус таълим маркази ташкил қилинган. У ерда афғон талабалари касб-хунар ва тил ўрганиш имкониятига эга. Бу келажақда афғон жамиятини модернизация қилишга қўшилаётган билимли кадрлар тайёрлашга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг Афғонистонга нисбатан юритаётган сиёсати геосиёсий мувозанат, прагматизм ва тинчликпарварлик асосига қурилган. Терроризм ва хавфсизлик таҳдидларига қарши курашда Ўзбекистон куч ишлатиш эмас, мулоқот ва ҳамкорликини устувор деб билади.

Сиёсий ирода ва минтақавий барқарорлик

Ўзбекистоннинг хавфсизликини таъминлашда асосий ютуғи геосиёсий ўйинлар эмас, балки дипломатия, ишонч ва шерикликка асосланган ёндашувдир. У ташқи сиёсатда ҳарбийлаштириш, зиддиятнинг кучайтириш эмас, балки барқарор ривожланишга асосланади.

Бугун Марказий Осиёда яшаётган миллионлаб одамлар тинчлик ва барқарорлик мевасини татимоқда. Бу натижанинг замирида эса кучли сиёсий ирода ва ҳақиқий яхши қўшнчилик фалсафаси ётади.

Марказий Осиёдаги зиддиятчи вазиятлар, узоқ йиллик низолар, миналар ва ёпиқ чегаралар ўрнига ҳозир ўзаро ишонч, дипломатик мулоқот ҳамда барқарор ҳамкорлик ривожланмоқда. Ушбу сиёсий ирода, халқпарвар сиёсат, тинчликка интилиш натижасидир. Бугунги кунда Ўзбекистон нафақат ички, балки минтақавий хавфсизликда ҳам етакчи, ишончли ҳамкор сифатида намойиш бўлмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг хавфсизлик сиёсати самарадорлигини баҳолашда қуйидаги мезонларни айтиш мумкин:

Биринчи мезон — можароларнинг олдини олиш самарадорлиги. Сўнгги йилларда минтақамизда йиррик ҳарбий можаролар оз бермагани, мавхуд зиддиятлар дипломатик йўл билан ҳал этилаётгани стратегиямиз тўғрилигини тасдиқлайди.

дастурлари, музей ва театрлар ўртасидаги лойиҳалар икки халқни яқинлаштиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Туркменистон муносабатлари — яхши қўшнчиликнинг ижобий намунаси сифатида тилга олинishi мумкин. Бунда асосий омил ҳар икки томоннинг тинчлик, барқарорлик ва ўзаро манфаатлар асосида ҳаракат қилаётганидир.

Бу муносабатлар энди расмийликдан чин дўстона ҳамкорликка айланди. Давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб юритаётган сиёсати натижасида Ўзбекистон нафақат Туркменистон билан, балки бутун минтақада хавфсизлик ва барқарорлигини таъминлашда муҳим етакчига айланди.

Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсати — намуна

Ўзбекистон ва Афғонистон 144 километр чегарага эга, у асосан Сурхондарё вилояти ҳудудида жойлашган. Мазкур ҳудуд сўнгги ўн йилликларда махсус назоратда бўлиб келди.

2016 йилгача Термиз — Хайратон темир йўли хавфсизлик нуқтани назаридан қатор чекловлар билан ишлаган. Кейинги йилларга келибгина Афғонистон билан яқин, лекин эҳтиёткор ҳамкорлик сиёсати йўлга қўйилди.

2018 йил март ойида Ўзбекистон ташаббуси билан Афғонистон бўйича Тошкент конференцияси ташкил этилди. Унда



20 дан ортиқ давлат ва халқаро ташкилот, жумладан АҚШ, Россия, ЕИ, Хитой ва Эрон вакиллари иштирок этди. Конференцияда асосий ургу Афғонистонда тинчлик жараёнини қўллаб-қувватлаш, сиёсий музокаралар йўлини очиб ва минтақада хавфсизлигини таъминлашга қаратилди.

Ушбу конференция Ўзбекистоннинг дипломатик нуфузини ошириш билан бирга, Марказий Осиёнинг тинчликпарвар платформа сифатида шаклланишига туртки бўлди.

2021 йилда АҚШ қўшинлари Афғонистондан чиқиб кетгач, “Толибон” ҳаракати мамлакатда ҳокимиятнинг қўлга олди. Бу ҳодиса қўллаб-қувватлаш учун сиёсий муаммо туғдирди. Бироқ Ўзбекистон ҳукумати Афғонистонда ҳокимият алмашинувини инкор қилмай, мулоқотни тўхтатмади. Тошкентда “Толибон” раҳбарияти билан бир неча бор музокаралар ўтказилди.

Бу жараёнларда асосий мақсад чегара хавфсизлигини таъминлаш, шу билан бирга, инсонпарварлик ва иқтисодий ҳамкорликини давом эттириш бўлди.

Ўзбекистон Афғонистонни Марказий ва Жанубий Осиёни боғловчи кўприк сифатида кўради. Шу мақсадда Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўлини қуриш бўйича уч томонлама лойиҳа амалга оширилмоқда. Ушбу йўналиш Жанубий Осиё товарларининг Марказий Осиё орқали Европага чиқишини тезлаштиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистондан электр энергияси ва озиқ-овқат маҳсулотларини Афғонистонга етакчиб бериш давом

даражадаги ташрифи уюштирилди. Душанбе ва Тошкентдаги музокараларда мамлакатларимиз раҳбарлари икки томонлама муносабатларнинг кун тартибидagi барча муҳим қарорларини қабул қилди. Бу тарихий учрашувлар натижасида икки давлат ўртасидаги узоқ йиллик сукунатга чек қўйилди.

Чегаралар очилиши минглаб оилалар учун нафақат логистика, балки “қалб кўприги”ни тиклади. Илгари қуда бўлиш ёки қиз узатиш масаласи кўтарилганда, “Чегарадан ўта олмасак-чи?” деган хавотир барча ниятларга соя соларди. Бугун эса бу деворлар олиб ташланди, ўрнини самимиийлик ва очкичлик эгаллади.

Сариосиёлик Нодира она 20 йил аввал Тожикистонга қиз узатганди. Шундай вақтлар бўлдики, фарзанди билан фақат телефон орқали суҳбатлашар, неваралари овозини эшитиб йиғларди. Энди эса ҳар ой зиёратга боради. Биргаликда тўйларда қатнашиш, болалар бахтини кўриш имкони пайдо бўлди. Қуда-андаликнинг ҳақиқий мазмуни тикланди. Олдин “келолмадик, кечирасизлар” дейишарди, энди эса истаган вақтда кўриша олади.

Қисқаса, чегаралар очилиши орқали нафақат йўллар, балки юраклар ҳам очилди.

Чегара эмас, дўстлик чизиги

“Қўшнинг тинч — сен тинч”, дейди халқимиз. Бу маънавий ҳақиқат нафақат

алоқалар фаоллашди, аҳолининг доимий борди-келдилари тикланди.

Ишонч билан айтиш мумкинки, бугунги кунда Ўзбекистон ва Қирғизистон муносабатлари ҳақиқий стратегик шериклик даражасига кўтарилиб, минтақавий барқарорликка хизмат қилмоқда.

“Пойга” эмас, шериклик

Яқин ўтмишга назар солсак, кўп ҳолларда қислаш мантиғи билан тилга олинган икки қўшни давлат — Ўзбекистон ва Қозоғистон минтақа етакчилиги учун гўёки “пойгачи”-дек тасвирланган. Айрим таҳлилчилар ҳар икки давлатнинг иқтисодий ўсиши, ташқи сиёсатдаги фаоллиги ва минтақадаги таъсири орқали уларни рақобатчи сифатида кўрсатишга уринади. Аммо амалиётда бу “пойга” ҳеч қачон бўлмаган.

Давлатимиз раҳбарининг Афғонистонга нисбатан юритаётган сиёсати геосиёсий мувозанат, прагматизм ва тинчликпарварлик асосига қурилган. Терроризм ва хавфсизлик таҳдидларига қарши курашда Ўзбекистон куч ишлатиш эмас, мулоқот ва ҳамкорликини устувор деб билади.

Чунки ҳақиқат шундаки, Қозоғистон иқтисодий ислохотлар, жаҳон бозорига интеграция ва инвестиция жалб этиш борасида жуда илгарилab кетган эди. Уларнинг ташқи сиёсатдаги очкичлиги ва дипломатик позицияси ҳам халқаро майдонда муайян обрў эгаллашига олиб келди.

Ўзбекистон эса узоқ йиллар ёпиқ сиёсат, чекланган алоқалар ва ички изоляция шариоитида ҳаракат қилган. Бундай вазиятда ҳатто қўшни Қозоғистон билан тўлиқ ишончга асосланган ҳамкорлик шаклланмаганди. Чегара муаммолари, бюрократик тўсиқлар, иқтисодий алоқалардаги мураккаб механизмлар икки томонлама муносабатларга соя солиб келди.

2016 йилдан кейин вазият тубдан ўзгарди. Мамлакатимизнинг янгиланган ташқи сиёсий тамойиллари Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларига янги нафас бахш этди. Оқилона сиёсий ёндашув

орқали кўп йиллар орқага сурилган стратегик масалалар кун тартибига чиқди.

Ўзаро ишонч ва сиёсий мулоқотнинг фаоллашуви натижасида икки давлат ўртасида чегараларни эркин кесиб ўтиш имконияти яратилди, савдо айланмаси бир неча баробар ошди. Қозоғистон ҳудудида ўзбек товарларини ишлаб чиқариш, икки давлат маҳсулотларини учинчи бозорларга экспорт қилиш имкониятлари кенгайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги муносабатларни рақобат эмас, балки ривожланиш йўлидаги шериклик белгилаб бормоқда.

Хавфсизликни куч билан эмас, мулоқот билан таъминлаш

Ўзбекистон ва Туркменистон нафақат географик, балки маданий ва тарихий жиҳатдан ҳам яқин қўшниллар. Аммо узоқ йиллар давомида икки давлат ўртасидаги муносабатлар юзаки расмий даражасидан ўта олмаганди. Бунини минтақадаги умумий тенденциялар, ҳар икки мамлакатнинг ўзига хос ташқи сиёсий позицияси ҳамда ички изоляцияга мойил сиёсий муҳит билан изохлаш мумкин.

Авалги йилларда икки давлат ўртасида чегаралар ёпиқ бўлмаган бўлса-да, иқтисодий, гуманитар ва маданий алоқалар чекланган эди. Энергетика, сув ресурслари, логистика масалаларида ҳамкорлик ривожланмаган, муносабатлар кўпинча эҳтиёткорлик билан қуриларди.

Бугун эса бутунлай бошқа манзара кузатиляпти. Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон — Туркменистон муносабатларини мустақамлаш муҳим устуворлик сифатида белгиланди.

Олий даражадаги учрашувлар, турли соҳаларда имзоланган шартнома ва битимлар икки давлатни стратегик шериклик босқичига олиб чиқди.

Энг муҳим ютуқлардан бири энергетика соҳасидаги ҳамкорлик бўлди. Ўзбекистон Туркменистондан табиий газ ва электр энергиясини импорт қилиш орқали энергетик хавфсизлигини диверсификация қилди. Шу билан бирга, транспорт-логистика соҳасида ҳам қўшма лойиҳалар муҳокама қилинмоқда.

Сув ресурслари масаласида ўзаро ҳурмат ва манфаатлар мувозанатига асосланган сиёсат юритилляпти. Шу орқали минтақадаги нозик экологик муаммоларни ҳамкорликда ҳал қилишга интилиш кучайди.

Таълим, маданият ва туризм соҳаларидаги алоқалар ҳам кенгаймоқда. Ашхобод ва Тошкентда ўтказилган маданий ҳафталиклар, талабалар алмашинуви



Жаллоддин УСМОҶОВ, Халқаро пресс клуб раиси

Бошланиши 1-бетда

Бу йўл, шубҳасиз, осон кечмади — баҳали вазиятларни баргараф этиш, йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни адолатли ва манфаатли ечимлар билан ҳал қилиш катта жасорат, юксак дипломатик маҳорат ва узлуксиз меҳнатни талаб этди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва қатъий сиёсий иродаси билан минтақа мамлакатлари ўртасидаги чегаралар очилди, савдо ва иқтисодий алоқалар кенг йўлга қўйилди, маданий ва инсонпарварлик ҳамкорлиги тикланди. Энг муҳими, тарихий яқинлик ва умумий келажақ гоёси асосида ишонч муҳити шаклланди.

Бу ўзгаришлар нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиёнинг юзага чиқиши, глобал сиёсий майдонда ўз овозига эга бўлиши, минтақада барқарорлик ва ҳамкорлик муҳити қарор топишига хизмат қилмоқда.



Президентимиз фаолиятининг илк палларидаёқ қўшни давлатларга ташриф буюриб, сиёсий мулоқот ва самимий муносабатлар йўлини очди. Бинобарин, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Ўзбекистон ҳеч қачон қўшнилари билан муаммолар муносабатларда бўлмаслиғи керак. Қўшнчилик — тақдир масаласи”.

Бу сўзлар расмий шиор эмас, балки сиёсий фалсафа эди. Янгиланган ташқи сиёсатимиз эса бу фалсафани ҳаётга татбиқ этди.

Чегара ва хавфсизлик: таранг муносабатларнинг ҳал этилиши

Ўзбекистон — Тожикистон муносабатлари узоқ йиллар давомида музлаб қолганди. Чегаралар ёпиқ, миналар билан тўсиб қўйилган, транспорт қатновни тўхтаган эди. Икки мамлакатда яшайдиган қон-қариндошларнинг борди-келди муносабатлари узилган, бир-бирини кўра олмасди.

2018 йил мартда 27 йил ичида Ўзбекистон Президентининг Тожикистонга илк давлат ташрифи амалга оширилди. Ўша йили август ойида Тожикистон Президентининг мамлакатимизга олий

шахсий ҳаётда, балки давлатлараро муносабатларда ҳам беқияс аҳамиятга эга. Бунини биз жуда яхши англаймиз.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги давлат чегаралари масаласи узоқ йиллар давомида энг мураккаб ва нозик муаммолардан бири бўлиб келди. Мустақилликнинг илк йилларида чегара аниқ белгиланмагани сабабли турли келишмовчиликлар, маҳаллий низолар ва ҳатто тўқнашувлар юзага келган.

Айрим чегара ҳудудларида ер, сув ва мол-мулк устидан тортишувлар кузатилган, бу эса икки халқ ўртасида ишончсизликни кучайтирган. Бир неча бор ҳарбий техника чегара ҳудудига тортилган, уруш ҳолатига яқин вазиятлар юзага келган. Ўнлаб марта музокаралар ўтказилганига қарамай, амалда ижобий натижага эришиб бўлмаган.

Президентимиз Қирғизистон билан том-маънодаги яхши қўшнчиликка асосланган янги сиёсатни бошлади. Музокара-лар натижасида давлат чегаралари тўлиқ делимитация ва демаркация қилинди. Бу тарихий келишув икки давлат ўртасидаги узоқ йиллик ишончсизликка барҳам берди ва чегара ҳудудларида тинчлик муҳитини тиклади. Чегаралар очилиши билан савдо-стик, логистика, таълим ва маданий

ЭНЕРГИЯ ЭНДИ МУАММО ЭМАС, ДАРОМАД КЕЛТИРМОҚДА

Яқин етти-саккиз йил илгари электр таъминотидаги узилишлар кўплаб муаммоларнинг асл сабабчиси эди. Ҳатто кўпгина туман, шаҳар шифохоналарида чироқ ўчиши оқибатида қанча кўнгилсизликлар рўй берарди. Қўлида фонус кўтариб, беморга ёрдам беришга шошилган шифокорлар бу кунларни яхши хотирласа керак. Кишлоқлардаги ҳолатни ёдга олиб, ачинмай иложингиз йўқ. Гоҳида бир соатгина ёнган чироқ ҳафта давомида кўриниш бермай толиқтирарди. Чироққа термилиб қанча тонглар отмади дейсиз. Ўшанда аллақачон электр орқали ишлашга мослаштирилган тегирмонлар чанг босганча қолиб, яна сув тегирмонларга қайтишга мажбур бўлинганди.

Шукрки, янги Ўзбекистонда барча соҳалар қатори айнан электр энергия таъминотидаги ислохотлар сабаб бундай кўнгилсизликлар барҳам топди. Бугун электр узлуксизлиги билан бирга янги босқич сари қадам ташланмоқда. Яъни муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш учун имкониятлар ишга солиняпти. Нафақат турли ташкилот ва корхоналарда, аҳоли хонадонларида ҳам бу тизим жорий этилаётгани кувонарли.

Ойига тўрт миллион сўм...

Маҳалла гузарига пенсия олиш учун жўнаган Бобомурод ота ўй суриб борарди. Уч кундан бери кичик набираси хархаша қилади. Эмишки, футбол ўйнаш учун бутса керак экан. Ҳамма тенгдошининг оёғида бор эмиш. Камига кампири рўзгорга керакли нарсалар рўйхатини айтган. Бозорга бориш керак. Хуллас, ҳисоби бўйича оладиган пенсиянинг деярли барчаси сарфланади. Энди кампирдан “қарз” сўрамаса бўлгани.

Бобомурод ота аллақачон тенгдошлари гузарда тўпланиб ўтирганини кўриб, хурсанд бўлди. Одам тафтини одам олади-да. Ҳали банк ҳодимлари келгунча бир оз хангомалашинишга нима етсин? Пулини олгач, бу қарияларнинг бирортасини тўтиб бўлмайдди. Ҳаммаси ўз ташвиши билан ҳар ёққа жўнаб кетди.

Жазирама эрталабдан елкага игна санчади. Иссиқ забитга олмасдан банкирлар келса яхши эди. Шундай ўй билан сафдошлари олдида етиб борган отахон бир четга ўтирди. Даврада ўтирган ёши улғурок мўйсасфид кўчаси янги асфальт қилинган отахондан йўлсозликнинг асоси ҳақида сўрайди. Унга жавобан “Ойиқ бюджет”да ютишганини тушунтирган бўлади, сал олдинроқ қишлоқ ёшлари овоз олиб юрганини эслатиб. Мўйсасфид уларни дуо қилади. Яна кимдир кўчага оқова сув келаётгани ҳақида хушхабар айтди. Бирови кўшниси кўёш панелидан фойда кўраётгани ҳақида гапирди. Муқобил энергия имкониятидан тўла хабари бўлмаганлар бунга ишонмайдди. Тортишув бошланганди. Кимдир жаҳли чиққанча: “Лофни ҳам оласан-да, уйиңа иккита чироқ ёққан бўлиши мумкин. Аммо қандай қилиб пул ишлайди?”, дея эътироз билдиради. Буни бошқалар ҳам маъқуллайди. Шу палла узоқдан банкирларнинг машинаси кўриниб, авж гуруннга яқун ясалади.

Навбат бошланиб, бирма-бир ҳар ким ўз улушини олишни бошлайди. Бобомурод ота ўзиникига қўшиб кампирининг ҳам пенсиясини олиб уйга жўнайди. Токи дарвозасига етгунча яна бир бор пенсиясини хаёлида тақсимлаб олади. Офтоб қиздиришни бошлагани учун кечки салқинда бозорга боришни мўлжал қилади. Ҳозир уйга кириб, советкични кўшганча бир оз дам олади. Шу ниятда ҳовлига кираркан, уни кўрган кампир норози оҳангда овозини баянлаётди.

— Шу кўргур электрга кўпроқ пул тўлаб қўйса нима бўларкан? Ҳар икки кунда Учгани-Ўчган. Иссиқда ўтириб бўлмай қолди. Ана, эрталабдан яна ўчиб қолди. Энди пулини тўламасак, ёнмайди.

Ота жаҳли чиққанча қайтиб кўчага чиқди. Электр тўловини тўлаш учун шохобчага бориб, анчагина қарз ҳам бўлиб қолганини билди. Қўлидаги пенсиядан ҳам қарзни тўлаб, ҳам олдиндан электрга тўлов қилди. Бояғи чамалаган нарсалари бир зумда ўзгариб кетди. Ахир электр учун анчагина пул сарф этганди. Шу пайт ҳалигина гузарда кимдир кўёш нуридан пул ишлаётгани ҳақида гапирганини эслади. Қадамини тезлатганча ўша томон кетди.

Эртаси куни икки ўғлини қақриб, маслаҳат солди. Машина олмакчи бўлиб йиққан пулларига уйига кўёш панели ўрнатиш кераклигини уқтирди. Фарзандлари бир оз норозилик билдирган бўлди. Аммо ота қатъий туриб, ўрнатиш кераклигини айтди. Нариги кўчада



айнан кўёш панели ўрнатган уйни бориб, кўриб келганини, унинг қўлайликларини гапирди. Эртаси куни хонадоннинг том қисмига соҳа мутахассислари томонидан 20 кВтли кўёш панели ўрнатилди.

— Ишонасизми, шу кўёш панелини олдинроқ ўрнатсак бўларкан. Шунчалик катта имкониятдан фойдаланмай юрганимизга афсусландим, — дейди чироқчилик Бобомурод ота Суянов. — Аввал бир ойда электр учун камида бир миллиондан зиёд пул тўлашга мажбур эдик. Сабаби, томорқамиз катта. Деҳқончилик қилиш учун сув керак. Сувни артезиан қудуғидан насос орқали тортиб оламиз. Насосга кўп электр сарфланади. Шу боис, ҳисоб анчагина бўлади. Ҳозир сув чиқаришда ҳам шу муқобил энергиядан фойдаланяптимиз. Умуман олганда, анча қўлай экан.

Яна бир маъқул бўлган томони. Илгари фақат пул тўлаб келган бўлсак, бугун давлатга электр сотиб, даромад ишляпмиз. Эҳтиёжимиздан ортганини ҳисобласак, кўнига ўртача 130-140 минг сўм бўляпти. Бу бир ойда тўрт миллион сўмдан ошиб бормоқда. Давлат ўз вақтида тўлаб беришти. Бундан ташқари, томорқамизда деҳқончилик қилиш учун сув тежовчи технологиялар жорий этиб, айнан яшил энергиядан фойдаланяптимиз. Натижада кам харажат қилиб, кўп даромад оляптимиз. Яқинда қўшниларим келиб, ишонимшамди. Ҳисоблаб кўриб, ҳайрон қолишди. Тез кунда ўзлари ҳам кўёш панели ўрнатишни мақсад қилди.

Имкониятлар ишга солинмоқда

Ғузорлик Шахзод Исмоилов ҳам жорий йил бошида 20 кВтли кўёш панели ўрнатганди. Бошида баъзилар ускуналар нархи қиммат деб уни бу ишдан қайтармоқчи бўлди. Шунча пулга бошқа бирор нарса харид қилинса, фойда олиш имкониятини айтишди. Аммо ҳудудий электр тармоқлари билан шартнома тузилиб, ортиқча энергиядан даромад олишни бошлашга, маблагини беҳуда сарфламаганига ишонч ҳосил қилди. Ҳозир кўнига 80-90 минг сўмлик электр сотмоқда.

— Олдинроқ бошқа шаҳарда яшайдиган ўртоғим муқобил энергиядан хонадонда фойдаланиш афзалликлари ҳақида гапирганди, — дейди Ш. Исмоилов. — Уйда меҳмон бўлганимда кўрган-дим. Рўзгор эҳтиёжлари бепул бўлиб, ундан орттирганга давлат пул тўлаб бераётгани ҳайрон қолдирганди. Бундай имкониятдан фойдаланиш керак. Шундан сўнг

қизиқдим, аммо бир оз иккиланиш ҳам бўлди. Барибир таваккал дея ўрнатдим. Режадагидан ҳам зиёд бўлди. Ҳозир ойига уч миллион сўмга яқин фойда келтирмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 16 февралдаги “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, ҳудудларда айнан муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ғузор тумани мисолида айтсак, электр энергияси таъминотида юзага келадиган етишмовчиликни бартараф этиш мақсадида 2025 йилда жами 45 минг 387 та объектда 60 минг 771,5 кВтли кўёш панеллари ўрнатиш режалаштирилган. Ҳозир туман бўйича

111 та объектда 1587,8 кВт қувватдаги кўёш панеллари ўрнатиб бўлинди. Жумладан, 48 та аҳоли хонадонидан 473 кВт, 24 та ижтимоий соҳа объектда 260,6 кВт, 36 та тадбиркорлик субъектида 410,8 кВт ҳамда 3 та фермер хўжалигига 443,4 кВт яшил энергия олиш имконияти яратилди.

Шунингдек, жорий йил якунига қадар жами 5,4 минг литр ҳажмли гелиоколлектор ўрнатиш режалаштирилган.

— “Кўёшли хонадон” дастури бўйича ҳозирга қадар вилоят бўйича жами 2679 киши ҳамда 1984 та юридик ташкилот шартнома тузган, — дейди “Худудий электр тармоқлари” АЖ Қашқадарё филиали ходими Илҳом Жабборов. — Ижобий тафовутга ўтган қайта тикланувчи энергия манбаларини ўрнатган аҳоли ва юридик шахс мақомидаги истеъмолчиларга ҳар йили давлат томонидан ҳисобланган пуллари тўлаб берилмоқда. Жумладан, вилоят бўйича шу кунга қадар аҳолига 5 миллиард 300 миллионга яқин, юридик ташкилотлар учун 6 миллиард сўмдан ортиқ маблаг тўлаб берилган.

Ўтган йиллар давомида бажарилган ишлар таҳлилини қиладиган бўлсак, “Кўёшли хонадон”лар сафи ортиб бормоқда. Шу билан бирга, корхона ва ташкилотлар ҳам айнан қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга ўтапти. Бу эса каттагина тежамкорликни келтириб чиқармоқда. Шу билан бирга, энергияга бўлган эҳтиёжни қоплашга замин яратмоқда.

Маълумотларга кўра, вилоятда ҳозирга қадар кўёш панеллари қуввати 110 минг 720 кВтга етказилган. Шунингдек, давлат дастурига кўра, шу йилнинг ўзида 4379 та объектда 55,7 мВт қувват берилган кўёш панеллари ўрнатиш белгиланган. Айни кунга қадар 2631 та 42,6 кВтли кўёш панеллари ўрнатилди. Натижада январь-июль ойлари давомида истеъмолчиларга 2 миллиард 112 миллион кВт соат электр энергияси етказиб берилган. Шу вақт оралиғида 428,4 миллион кВт соат электр энергияси иктисод қилинган.

Яна бир гап. Соҳада қайта тикланувчи энергиядан фойдаланишни жорий қилиш билан бирга, ҳудудий тармоқлар томонидан энергия етказиб бериш сифати ҳам эътибор қаратишмоқда. Масалан, вилоятда ҳозир 799 минг 649 истеъмолчига 202 та подстанция, 32 минг километр электр узатиш тармоқлари ва 11 минг 299 дона трансформатор орқали электр етказилляпти.

Жорий йил бошидан буён электр таъминотини яхшилаш учун лойиҳалар, дастурлар доирасида 60 та трансформатор ўрнатилди ва 229,4 километр электр тармоғи янгидан қурилди.

Шунингдек, 9,6 километр узунликдаги 220 кВт Л-32-М электр тармоғида модернизация ишлари олиб борилди. Бундан ташқари, режага асосан, 2110 километр тармоқ ва 694 та трансформатор, 5 та подстанция, 100 та ўчирғич, 6 та компрессор қурилмаси мукаммал таъмирланди. Натижада, 149 та МФЙда яшовчи 71 мингдан ортиқ аҳоли хонадонлари ва 510 дан зиёд улғуржи истеъмолчининг электр таъминоти яхшиланди. 15,3 километр кабелъ, 10 тонна сим, 45 та муфта ва 1370 дан зиёд бошқа материаллар захираси яратилган.

Қилинаётган ишлар таҳлилига эътибор қаратадиган бўлсак, ҳудудлар обод бўлиб, одамлар яхши яшаб, турмуши фаровон бўлаётганини кўриш мумкин. Муҳими, тизимдаги ислохотлар замири аҳоли розилиги йўлида хизмат қилмоқда. Бундан инсон қадри юксалиб, хонадонлар ёруғ, кўнгиллар қароғон бўляпти.

Ақбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугун дунёда иқлим ўзгариши, ерлар деградацияси ва сув тақчиллиги қуватланоқда. Бу мамлакатлар олдида озىқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида муҳим вазифаларни қўйиши шубҳасиз. Шу нуқтаи назардан ҳам юртимизда қишлоқ хўжалигининг юқори салоҳиятидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратайтири. Кейинги йилларда соҳани ислоҳ қилиш, қўлай агробизнес муҳитини яратиш, тармоқ бошқарувида инвестициявий жозибадорликни ошириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Аграр жиҳатдан имкониятлари кенг бўлган Сурхондарёда ҳам бу ўзгаришлар ўз самарасини бермоқда. Эътибор бериш, жорий йилнинг январь-март ойларида воҳода етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 4 триллион 61 миллиард сўмини ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан 3,5 фоизга ўсди. Агар ҳудудлар кесимида бунга таҳлил қиладиган бўлсак, энг юқори кўрсаткич Денов, Жарқўргон, Кумқўргон ва Шеробод туманлари ҳиссасига тўғри келади. Яна бир рақам: шу йил январь-апрель ойларида Сурхондарёдан 44 минг тонна мева-сабзавот хорижга экспорт қилинган ва унинг қиймати 41,3 миллион долларга етди.

Экспорт бозорида Россия, Покистон ва Афғонистон давлатлари асосий ўрин эгаллади. Вилоятда сугориш қийин бўлган тоғолди, далами ҳамда паст рентабелли ерларда ҳосилдор ёнғоқ, бодом кўчатларини экиб, янги интенсив боғлар яратилмоқда. 20 миллион долларлик ана шундай лойиҳалардан бири Жарқўргон туманида ҳам бошланган эди.

Туманда ташкил этилган “SAGAGROJARQO‘RG‘ON” МЧЖ томонидан 1600 гектар ерда замонавий усулда бодом плантациялари барпо қилинган. Бу ерда бодомнинг серхосил “Guara” ва “Avijon” навлари экилган. Етук мутахассислар ва илмий тажрибачилар асосда парвариланаётган 4 йиллик бодом кўчатлари ҳозир тўлиқ ҳосилга кирган.



— Интенсив бодомзор ташкил этиш мақсадида хориждан уруғ ва кўчатлар келтириб ерга қадаган эдик. Йилдан йилга ҳосил микдори ошиб бормоқда. 2023 йилда 500 тонна, ўтган йили 1200 тонна ҳосил олинган бўлса, жорий йилда бу рақам 2000 тоннагача етиши кутилмоқда, — дейди иш бошқарувчиси Фаррух Усмонов. — Келгусида бодом ҳосилини қайта ишлашда ҳам аниқ режаларни кўриш. Шу йилга кўра, дарахтлар тўла ҳосилга киргач, боққа яқин ҳудудда қайта ишлаш заводи бунёд этилади.

Тўғриси, боғ барпо қилишдан ҳам кўра ёш ниҳолларни тўғри парвариллаш ва самарали ҳосил олиш мураккаб жараён. Айниқса, сув танқис ҳудудларда яшил боғлар бунёд этишнинг ўзини яраша заҳмати бор. Ҳар бир қадалган кўчатни алоҳида парвариш ва тегishли агротехника тадбирларини амалга ошириш талаб этилади. Бу бўйича бугунги кунда Жарқўргонда ҳам аграр тармоқнинг ажралмас қисми ҳисобланган боғдорчилик соҳасида қатор илғор тажрибачилар амалиётга жорий этилмоқда. Кейинги йилларда ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларини инобатга олиб, бодом етиштириш бўйича ихтисослаштиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

— Боғимиз тўлиқлигича томчилаб сугорилади. Инновацион технологияга асосланган бу усул қўлланилганда сув сарфи бир неча баробар камаяди, — дейди агроном Отабек Бакиров. — Интенсив боғларнинг афзаллиги дарахтларнинг танаси кичик бўлгани учун улар билан ишлаш қўлай. Бундай боғларда дарахт танасига ёруғлик тушиши, ҳаво айланиши яхши бўлгани учун мевасининг сифати юқори бўлади. Ҳосилини теришда ҳам қийинчиликлар камаяди.

Жарқўргондаги бу ишлар, яъни мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланиш янги ерларни ўзлаштириш, ҳудуд иқлимидан келиб чиқиб махсулот етиштиришни йўлга қўйиш аҳолининг фаровон турмуш кечиришига, хорижий инвесторларнинг мамлакатга қизиқиши ортисига, пировард натижада иқтисодиёт ривожига хизмат қилади. Кейинги йиллардаги ўзгаришлар чет эллик ҳамкорлар билан ишлаш имкониятини яратди.

— 2017 йилда бу боғнинг турли ҳудудларида тупроқ таҳлилларини ўтказдик ва 2018 йилнинг февраль-март

ойларида илк кўчатларни экдик. Боғ ҳудудида уч хил тупроқ тури бор. Шу боис, биз улардан келиб чиқиб агротехник ишлов берамиз, — дейди туркиялик агроном Ажлан Йилмаз. — Биринчи кўчатларимизни Туркия ва Испаниядан олиб келиб эккан эдик. Бу йилдан бошлаб Ўзбекистонда тайёрланаётган бодом кўчатларини эмокчимиз. Чунки Ўзбекистон бодомнинг ватани бўлган ўлкалардан бири. Мени илк бор юртингизда бодом етиштириш лойиҳасига ҳамкорликка таклиф қилишганда бу ерга келиб, тақир чўл ва сувсиз ерни кўрган, очигини айтишим керак, махсулот етиштиришга бир оз ишонмагандик. Юртингизда қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожини йўлида қилинаётган ишлар туфайли 1670 гектар ер яшил богга айланди. Ҳали боғни кенгайтириш ишлари давом этади. Кузги мавсумда ҳам яна 400 гектар ерга бодом кўчатлари қадаимиз. Мен шу соҳа мутахассиси сифатида маҳаллий агрономлар билан бирга ишлаб, уларга ўз билимларимни ўргатаман, гоҳида улардан ўрганаман ҳам. Ўзбекистонда боғдорчиликнинг даярли барча йўналишлари яхши ривожланган. Илмий ёндашувлар асосида янада ривожланаётгани келгусида бутун дунёда Ўзбекистон маҳсулотларига бўлган талабини оширади.

Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ, Миришкор, Касби туманлари, Наманганда Косонсой, Поп, Чуст, Янгиқўргон туманлари,

Самарқандда Қўшработ тумани, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол, Зомин, Топкент вилоятида Оҳангарон туманлари қаторида Сурхондарёнинг Жарқўргон, Саринсий туманларининг айрим ҳудудлари бодом етиштиришга ихтисослаштирилган.

Бу хусусида яқинда Жарқўргон туманида фермерлар, агрокластерлар ва қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритишчи мутахассислар учун амалий семинарда ҳам сўз юритилди. Тадбир доирасида боғдорчилик, сабзавотчилик, озуқа экинлари етиштириш, сувдан самарали фойдаланиш, агротехнологиялар ва ресурстежамкор ечимлар бўйича маҳаллий ҳамда халқаро мутахассислар иштирокида тажриба алмашилди.

Замонавий агротехнологиялар ва халқаро илғор тажрибаларнинг маҳаллий амалиёт билан уйғунлашуви вилоятда қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Нидерландиялик таниқли агроном Антон ван Энгелен бундай тадбирлардан кўзланган мақсад ҳақида қуйидагиларни билдирди:

— Ўзбекистонда амалга оширилаётган ва қўлаб-қувватланаётган чора-тадбирлар юртингизда аграр соҳани модернизация қилиш, янги ёндашувлар ва инновацион технологияларни жорий этиш орқали ҳосилдорликни кўпайтириш ҳамда ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга хизмат қилмоқда. Ўзим иштирок этаётган семинарларда асосий эътибор сабзавотчилик, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш масалаларига қаратилмоқда. Биз ўз маърузаларимизда боғдорчиликда юқори самарадорликни таъминлаш, озуқа базасини узлуксиз шакллантириш ва жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, илғор агротехнологияларни жорий этиш ҳақида амалий маълумотлар бердик. Хорижий тажрибачиларнинг маҳаллий амалиётга жорий этилиши, соҳавий билимларнинг чуқурлашуви ва замонавий технологияларнинг кенг қўлланилиши орқали Сурхондарёда қишлоқ хўжалиги янада ривожланиши шубҳасиз.

Сарвар ТўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ислохот оидмари



ФАРОВОН ТЎРМУШ, ОИЛАЛАРГА ТЎКИНЛИК УЛАШИШ ШАРАФИ

КАСБИЙ КЎНИКМАЛАР МАРКАЗЛАРИНИ ХАЛҚҚА ЯҚИНЛАШТИРАДИ



Бошланиши 1-бетда

Тонг сахардан водий томон йўлга тушган уловимиз елдек учиб борар экан, донадан ўтиб, азим Фарғонага кириб олдик. Йўл-йўлакай бир манзилда талай одамлар йиғилиб тургани, ортдаги икки қаватли бино ичидан яна анча-мунчаси чиқиб келаётганига кўзимиз тушди. Хайдовчидан уловни секинлатишни сўрадим. Бино пештоқдаги ёзувдан англадикки, бу ерда шунча одам касб-хунар ўрганяпти. Хурсанд бўлдик. Ахир давлат берган имкону имтиёзининг этагидан маҳкам тутаяпти улар. Ораларида ишсиз юришни ўзига эп кўрмаган, ҳатто 60 га қараб кетаётганлари бор, ёш чегараланмайди.

Хечдан кўра кеч, дея ўз вақтида ўқишга имкони бўлмаган фарғоналик Азиза Сайдова электропайвандлашни, қашқадарёлик Ўлмас Хидирова автомобиль таъмирлашни шундай жойларда бепул ўрганаётганини эшитганимизда ҳам бир қувонгандик. Бу каби аёллар чилангару уста бўлиш фақат эркакларга хос деган қарашни ўзгартдириб, ўз ҳаётига мазмун, бизга эса илҳом бағишлайди. Шунинг учун Касбий кўникмалар марказларига яқинроқ кириб бортимиз келди. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири ўринбосари Алишер Муратов ҳамда вазирилик масъул ходими Ирода Мусаева бу борада бизга яқиндан ёрдам берди.

Ном ўзгарди, моҳият-чи?

Аввало, йўлда кўрганимиздек, масканларнинг расмий номида бир тўхтамга келиб олайлик. Чунончи, кимдир уларни Касб-хунарга тайёрлаш маркази, кимдир мономарказ, яна биров касбий марказ деб атаяпти. Вазирлик ходимлари эса Президентимизнинг 2024 йил 4 октябрдаги қарорига асосан, бу бинолар Касбий кўникмалар маркази деб аталаётганини маълум қилди. Зеро, айна қарор билан Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирилик тизимида 64 та шундай марказ 2017 йилдан иш бошлаган аввалги мономарказлардан негизига 14 ҳудудда қайта очилди. Уларнинг 5 таси Корея ҳамкорлик агентлиги — KOICA грантлари асосида ташкил этилди. Касбий кўникмалар марказлари мономарказларда мавжуд бўлмаган 10 дан зиёд янги турдаги замонавий касб тури билан тақомиллашди. Қуёш панеллари, электромобилларга хизмат кўрсатиш, сув тежовчи технологиялар бўйича ишлаш, IT, компьютер графикаси, мобилография кабилар шулар жумласидан. Бундан ташқари, ҳар йили касбий йўналишлар турларини янгиллаб туриш амалиёти жорий қилинди. Чунончи, касб турлари бозор талабига кўра, келажақ касблари кириб келиши нуқтани назаридан ўзгарти туради. Яқин орада бу борада сўровнома ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Зеро, жамоатчилик фикрига таяниб иш кўриш, халқнинг ичидангина олиб, ўзига бериш фаолиятини янада жонлантиради.

Яна бир жиҳат шундаки, марказларга ривожланган давлатлардан энг сўнгги технологиялар келтирилипти. Биргита ўтган йили Жаҳон банкнинг қарийб 8 миллион долларлик гранти асосида 10 дан ортқ марказга кран машинисти стимулятори олиб келинди. Давлатимиз раҳбари ҳам шу йил 30 июнь кунни ёшлар учрашуви чоғи “Респуб-ликаимиз бўйича 15 мингга яқин ўқув ва 7,5 мингга касбга тайёрлаш марказлари мавжуд. Сўнгги йилларда улар учун

100 дан ортқ имтиёз ва энгилликлар бердик. Фурсатдан фойдаланиб, бундай марказларга, уларнинг фаол-ларига ҳам мурожаат қиламан. Сиз-лар ҳозирги кўрсаткичларингиз билан чекланиб қолманг, фаолиятини кенгайтириб, замонавий касблар ва хорижий тилларни ўрганаётган ёшларни бир неча қарра кўпай-тиринг, бунинг учун сизларга яна қандай шароит керак бўлса, ҳам-масини яратиб бераман” деди. Де-мак, шароитлар янада яхшиланади, имкониятлар кенгайди. Фақат ишсиз, йўлини топа олмай юрган юртдошларимизга бандлик масаласида ёрдам кўрсатилса бас.

Бепул, арзон ҳамда сифатли тайёрлов

Ўшш, вақтинча ишсиз ёки ишсиз кишилар тўғридан тўғри Касбий кўникмалар марказлари-га бориб мурожаат қиладими? Агар марказ ҳақида билмасан-чи?

Аслида, бутун “маҳалла еттилиги” то-монидан камбағал оилалар аниқланиб, аго-на реестрга киритилади. Камбағалликдан чиқариш индивидуал дастурлари тузилади. Маҳалладаги ишсиз фуқаролар ҳудуддаги бандлик бўлимига йўналтирилиши керак. Ҳоким ёрдамчилари, маҳалла ёшлар етак-чилари ўқитиш муассасалари ҳақида тайёр маълумотга эга. “Онлайн маҳалла” плат-формасида барчаси бир-бирига интегр-ация қилинган. Идора ва ташкилотлардан сўраб, қидириб юрмайди. Бир оз жонқуяр-лик, халқлараралик керак, холос. Айниқса, ишсиз, уюшмаган ёшларни банд қилишда маҳалла ёшлар етакчиларига давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан учрашувида айт-ган қўйидаги гаплари дастурламал бўла-ди: “9 мингдан зиёд маҳаллада ёшлар етакчиларини тайинладик. Улар уч йил давомида кўп нарсани ўрганди, етарли тажриба орттирди. Энди улар мактаб, техникум, тил ва касб марказлари бил-лан ҳам ишлашни ўрганишлари лозим. Ёшлар етакчилари ҳар ҳафта мактаб ди-ректорлари, синф раҳбарлари, ота-оналар билан учрашиб, кўшимча тил ва касблар-га қизиқиши, ишлашга хоҳиши бор ўқу-вчиларни аниқлайди, ҳоким ёрдамчилари кўмағида ўз ҳудуддаги корхоналар, тил ва касб марказлари билан гаплашиб, ўқувчиларни уларга боғлаб беради, спорт ва фанларга қизиқадиганларни тўғарак-ларга жалб этади. Ушбу тадбирлар учун “Ёшлар дафтари” орқали берилган маб-лағаларини ишлатади”.

208 та туман (шаҳар)да бандлик бўли-лари мавжуд. Фуқарога ана шу бўлимлар Касбий кўникмалар марказларида касб ўр-ганиши учун йўлланма беради ва шу асосда ўқиш ташкил қилинади. Марказларнинг асосий вазифаси ҳам ишсиз ёки вақтинча иш йўқ фуқарога ўзи танлаган бир касбини ўргатиш. Ўқиш давомийлиги қисқа му-датли (ўртача 4 ҳафта, бир ойгача), ўрта му-датли (5 ҳафтадан 25 ҳафтагача), узоқ му-датли (40 ҳафтагача) бўлади. Касб кў-никмасига эга бўлганларга сертификат, дип-лом берилади. Касб-кори бор, бироқ ҳеч қаерда ишламаётган фуқаро эса бандлик бўлими томонидан ишга йўналтирилади. Айтайлик, электр устаси келди. Унга қаер-дадир бўш турган иш ўрни тавсия этилади.

Ўз касбидан ташқари кўшимча касб кўник-масини олмақчи бўлганлар эса шартнома асосида пулли курсларда ўқишлари мумкин. Бу ҳам хусусий секторга нисбатан арзон. Шу ўринда “Касбий кўникмалар маркази-да ўтиладиган дарслар сифати талабга жавоб берадими, ўқитувчилар қай тартибда танлаб олинади, уларнинг касб маҳоратига қандай талаблар қўйилади?” деган саволлар ҳам тугилиши мумкин.

Ўқитувчиларни ишга қабул қилиш учун марказнинг ўзида суҳбат ташкил этилади. Қабул қилинганларнинг ҳам малака, таж-рибаси доимий ошириб турилади. Мисол учун, ўтган йилнинг ўзида 300 га яқин ўқи-тувчи хорижга малака оширишга юборилди.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ!

KOICA ҳамкорлигида Ўрганди ташкил этилган, давлатимиз раҳбари ташриф б-юрган Касбий кўникмалар марказида бир йил аввал танлов эълон қилинган. Ҳар бир соҳа учун 30-35 га яқин талабгор мурожаат қилган. Сараланганлар орасидан ҳар бир йўналиш бўйича 3 киши Жанубий Корея ҳу-кумати томонидан 2 ойлик малака ошириш-га юборилди. Малака ошириб келганидан кейингина улар лавозимга қабул қилинди. Шунга ҳам айтиш жоизки, Жанубий Корея ҳамкорлигида ташкил этилган марказларда тор доирадаги касблар ўргатилади. Масалан, электротехника, пайвандчилик, сантехника, косметология, туризм. Бинобарин, Жану-бий Корея таълим стандарти сал бошқа-чароқ. 6+2 дастурига кўра, чилангар бўлмақчи бўлсангиз, 6 ой ўқиб, 2 ой амалиёт ўтайсиз, шунда 8 ой бўлади. Бу вақт давомида агар фуқаро корейс тилини ўрганиб, B1, B2 дара-жадаги кўникмага эга бўлса, Жанубий Корея-га ишлагани бориш имкони кўпроқ бўлади.

Электромобилларга хизмат кўрсатиш йўналишида эса Хитойнинг BYD компанияси билан шартнома тузилган бўлиб, ўқитувчилар Хитойда касбий малака оширади. Қисқача айтганда, марказлардаги ўқитиш стандартла-ри, дастурлари барча ҳудудда бир хил.

“Таълим ортидан пул боради” тамойили нечоғлиқ самара беради?

Давлатимиз раҳбарининг тегishiли қаро-рига кўра, эндиликда ишсиз аҳолини, жум-ладан, устувор равишда камбағал оилалар аъзоларини касб-хунарга ўқитиш хаража-тларини қоплаб бериш бўйича ваучер тизими жорий қилинади. Бунда ўқиш харажатлари фуқаро танлаган таълим муассасасига вау-чер асосида тўлаб берилади.

Ўшш, бу тизим ўзи нима, ундан қимлар ва қандай тартибда фойдаланиши мумкин?

— Янги тизим асосида ишсиз фуқаролар энди нафақат Касбий кўникмалар марказла-рида, балки вазирлиқнинг реестрида рўйхат-дан ўтган хоҳлаган нодавлат таълими муасс-асида ўзлари истagan ҳақ-хунари бепул ўрганишлари мумкин, — дейди Камбағал-ликни қисқартириш ва бандлик вазирилик масъул ходими Ирода Мусаева. — Жорий йилда бу лойиҳага 220 мингдан ортқ фуқа-рони қамраб олиш режалаштирилган. Ваучер фуқаролар касб-хунар эгаллаши учун кета-диган сарф-харажатни молиялаштириш ман-баси, давлат томонидан қафолатланган тўлов тизими ҳисобланади. Яъни “таълим ортидан пул боради” тамойили асосида ишланади. Ваучер олиш учун талабгор Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазириликнинг ту-ман бўлимига мурожаат қилади. Бунда, ав-вало, мурожаатчининг қобилияти, ишли ёки ишсизлиги, фаолияти аниқлаб олиниши ке-рак. Фуқаронинг қизиқишидан келиб чиқиб, бўш иш ўринлари бўлса тақлиф қилинади, агар ҳеч қандай уқуви бўлмай, муайян касб-ни ўрганишга имойилиги бўлса, бу ҳақдаги маълумотлар дастурга киритилади. Ҳар бир ҳудудда Касбий кўникмалар марказларининг ўқув марказлари бор. Мурожаатчи ўзига яқин ҳудудга бориб, ўзи хоҳлаган йўналиш-ни танлайди ва унга ваучер тақдим этилади. Ўқув марказлари йўналишлар бўйича ўзи нарх белгилайди.

Мазкур тизим айна пайтда Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳрида синовдан ўтқа-зиляпти. Албатта, бирор янгиликни жорий этишнинг ўзига яраша пасту баланди бўла-ди. Жумладан, “Ваучер олган фуқаро ўқиш-га бормаса-чи?” деган саволнинг асосли экани ҳам юқоридagi икки ҳудуддаги баъзи ҳолатларда кўрина бошлади. Шу маънода, вазирлик мутасаддилари фуқаро марказда назарий қисмини ўқиб, кўникмага эга бўл-ганидан кейингина амалиётга ўтказилиши кераклиги ҳақидаги тақлифни тайёрляпти. Ўқиш харажатининг ярми сертификат олин-ганидан кейин тўлаб берилиши ҳам шундай ҳолатлардан келиб чиқиб жорий қилинапти. Ҳар бир ҳудудий бўлимларга ваучер олган фуқаронинг ҳаракатини охиригача назорат қилиш вазифаси юклатилди. Мурожаатчи агар бир ой ичида ўқув марказини танлаб, ўқишни бошламаса, ваучер ўз кучини йўқа-тади. Яъни унга ажратилган маблаг ечилиб, ишсиз ва камбағал оила аъзосига берилади.

Манзилли талаб — аниқ иш ўрни

Жорий йилнинг февралдан бошлаб Касбий кўникмалар мар-казларида иш берувчиларнинг ман-зилли талаби асосида ишланапти. Масалан, “Артел” компанияси ёз ойида кондиционерга талаб жуда ортгани боис, марказга буюртма беради. Айтайлик, 500 нафар ёш йигит-қизни кондиционер усталига-га ўқитиш керак, қафолатланган иш берилади. Бунинг учун ҳамкорликда кўшма ўқув дастури ташкил қили-нади. Иш берувчилнинг ўзи малака имтиҳонида иштирок этади ва ходим-ларни ўзи саралаб олади.

Шунингдек, Касбий кўникмалар марказларининг Ташқи миграция агентлиги билан ҳамкорликда кўшма лойиҳалари бор. Масалан, Гёте инсти-тутида немис тилида имтиҳон топшир-ган ўзбек фуқаролари Германияга ишга юборилди. 10 ой муддатда немис тили-га ўқитилиб, B2 даражадаги сертификат олган ҳамшираларга марказларда зарур касб кўникмаси берилган, агентлик орқа-ли Германияда ишлашга кета олади. Ҳозир ушбу давлатдаги яна бир компания билан тил ўргатиш, малака даражасини баҳолаб беришда ҳамкорликни йўлга қўйиш режа қилинган.

— Иш билан таъминлашнинг энг сама-рали усули касб-хунарга ўқитиш. Касбий кўникмалар марказлари йилига 250 минг фуқарони касбга тайёрлаш имконига, усто-заларимиз эса кўп йиллик тажрибига эга. 2025 йилнинг январидан Касбий кўникмалар мар-казларида иш берувчилар талабига асосан, тезкор курслар ташкил қилинапти. Прези-дентимиз қарори билан қисқа муддатда дуал таълим асосида фуқароларни электромобил-ларга хизмат кўрсатиш, қуёш панеллари бил-лан ишлаш, IT соҳаларда касбини қилишимиз. Тезкор курслар 1 ойдан 6 ойгача муддатли бўлади. Уларда банд бўлмаган аҳоли йўл-ланма асосида, ишли фуқаролар шартнома асосида ўқиши мумкин, — дейди Респу-блика касбий кўникмалар маркази бўлим бошлиғи Илҳом Абдураулов.

Айни пайтда Касбий кўникмалар марказ-ларининг қишлоқ марказларида касб-хунар-га ўқитиш масканлари ҳам фаолият юрита-ётгани одамларнинг оғирини энгил қилляпти, дейиш мумкин. Андижоннинг чегара ҳуду-дида Нобуртэ қишлоғидаги шундай мас-канда иш юритаётган Дилрабо Ҳабибулла-ева 60 дан зиёд хотин-қизга тўғри чоқдан тортиб, замонавий либос тикишгача ўргатиб келяпти. Ундан бутун қишлоқ аҳли мин-натдор. Зеро, пойтахтда аёллар либосини конструкциялаш ва моделлаштириш курси-ни намунали тамомлаган қаҳрамонимиз са-баб қишлоқ одамлари ишли бўляпти. Ахир қишлоқ аёллари томонидан тикилаётган костюм-шуму кофта-юбка, пальтолар бир-зоранидан қолишмайди-да. Шунинг учун бозори чаққон. Буюртмаларни ўз вақтида етказиб бериш тобора кўпроқ ишчи кучини талаб қилляпти.

— Бу ерга келганлар, аввало, тўғри ти-кишни ўрганади. Кейин бичиш-тикишни, — дейди Дилрабо Ҳабибуллаева. — Аксарият шогирдларимиз уч ой хунар ўрганиб ол-гандан кейин тикув чехлари, корхоналарда ишлайди. Шогирдларим орасида бир жой-да 7-8 соат ўтириб ишлай олмайдиганлари ҳам бор. Чунки ногиронлиги бўлган, “Аёл-лар дафтари”, “Темир дафтар” да турадиган шароити ўта оғир аёлларни ҳам ўқитамиз. Уларга тикув машинаси берилса, уйда бема-лол ишлай олишад.

Ҳа, бутун қанайди, тикув машинам бўл-са, деган чевар аёлларнинг кўпчилиги дав-лат томонидан замонавий тикув машинаси олиб, рўзгор тебратяпти. Баъзилари 2-3 кўшнисини ҳам ишли қилляпти. Бу хунардан умуман хабари йўқлар эса ўқиб-ўрганипти. Ишсизликдан нима қилишга боши қотган оила бошлиқлари пайвандчилик, сантех-ника, чилангарлик каби эҳтиёж кўп бўлган касбларни ўрганиб даромад топишти. Шу маънода айтиш мумкинки, Касбий кўник-малар марказлари шунчаки ишлайётгани йўқ, ҳаётга мазмун, оилаларга тўқинлик улашиш шарафи уларни халқга янада қийналатири-япти. Бу эса мамлакатимизда инсон қадр-ининг бирламчи экани, оилалар фаровонлиги билан жамиятимиз ривож топётганининг амалдаги энг гўзал кўриниши.

Муножат МҲМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



Ташаббус

ДОЛЗАРБ 90 КУН БУ ВАҚТИНЧАЛИК ТАДБИРЛАР МАЖМУАСИ ЭМАС

“Долзарб 90 кун” ташаббуси мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида янги босқични бошлаб берди. Бинобарин, ушбу лойиҳа бир қарашда вақтинчалик тадбирлар мажмуасига ўхшаб кўринса-да, моҳиятан у халқ билан ишлаш, ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқариш, таълим тизими ва давлат ташкилотлари фаолиятида “натиха” ҳамда “самара” тамойилларини мустаҳкамлашга қаратилган кенг қамровли миллий ислохотлар майдонидир.



Дилшодбек РУСТАМОВ, Андижон давлат чет тиллари институти ректори

Андижон давлат чет тиллари институтида ҳам “Долзарб 90 кун” лойиҳаси доирасида ти-зимли ва мақсадли ишлар олиб боришмоқда. Лойиҳа асосий эътиборни ёзги таътил даври-да ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, чет тиллари ва замонавий касбларга йўналтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва энг муҳими, уларни жамият-нинг фаол аъзоларига айлантиришга қаратди.

Бугунги кунда ёшлар билан ишлаш маса-ласи глобал даражадаги муҳокама марказида турибди. Зеро, ҳар бир давлат ўз тараққиёти ва ҳавфсизлигида айнан маънавий баркамол, касб ва тил эгаси бўлган ёш авлодга таянади. “Дол-зарб 90 кун” лойиҳаси шуни амалда исботла-ётган йирик ташаббусдир. Унинг долзарблги, биринчи навбатда, ҳар бир олий таълим муас-сасасига аниқ вазифа қўйилгани ва улар ижроси бўйича мониторинг ҳамда баҳолаш тизими жорий этилганида намоён бўлади.

Бу нафақат ташкилотлар фаолиятига жавобгарликни кучайтирди, балки ёшлар билан ишлашда муайян ёндашувлар шакл-ланишига ҳам замин яратди. Институти-мизда лойиҳани самарали ташкил этиш ва натижадорликка эришиш мақсадида ишлар тизимли асосда йўлга қўйилди. Унинг ўзига хослигини чуқур англаган ҳолда, институт раҳбарияти ва жамоаси томонидан бир қатор муҳим жиҳатларга алоҳида эътибор қара-тилди. Амалга оширилган ҳар бир ташаб-бус, аввало, ёшларнинг реал эҳтиёжлари, қизиқишлари ва замон талаблари асосида шакллантирилди. Тил курслари, IT сабоқла-ри, спорт мусобақалари, маданий-маърифий



кечалар — буларнинг ҳар бири шунчаки сон эмас, балки мазмунга эга бўлган фаолият си-фатиди кўзда тутилган.

Тадбирлар ташкил этилар экан, фақат ин-ститут талабалари эмас, балки кишиларнинг ту-ман ва шаҳарларидаги ёшларга ҳам эшиқлар очилди. Бу эса лойиҳа орқали ёшларда жами-яда дахлдорлик ҳиссини кучайтириб, уни-верситет деворларидан ташқарига чиқадиган ижтимоий таъсир доирасини кенгайтирди.

Инглиз, рус, корейс, немис, хитой тил-лари бўйича бепул ўқув курслари ташкил қилиниб, уларда ҳозирга қадар 287 нафар ёш қатнашмоқда. Бундан ташқари, IT ва рақамли саводхонлик курслари доирасида 63 нафар иштирокчи рақамли технология-лардан фойдаланиш бўйича амалий билимга эга бўлди. Ушбу курслар талаб юқорилиги сабабли кенгайтирилди.

Мини футбол, сузиш, кураш, волейбол, стол теннис, шахмат ва бошқа спорт турла-рида 90 га яқин ёш фаол иштирок этмоқда. 8 та спорт мусобақаси ўтказилиб, 294 нафар ёш қамраб олинди. Йил якунигача 14 та му-собақа, 600 дан ортқ иштирокчи олиншии режалаштирилган.

Шунингдек, институтда “Шеърят кеча-си”, “Бадиий асар таҳлили”, “Филм таҳли-ли” каби маданий-маърифий лойиҳаларга 1200 дан ортқ ёшлар жалб этилди.

Андижон вилоятининг тарихий маскан-ларига 7 та зиярат ташкиллаштирилиб, 250 нафар ёш иштирок этди. Мавжуд режа асосида яна 8 та зиярат, 300 дан ортқ ёш қамраб олиншии кўзда тутилган.

Хонобод шаҳрида жойлашган “Туризм ўқув лабораторияси” негизига 80 нафар энг намунали талаба учун ёзги оромгоҳ таш-кил қилинди. Бу ерда ОТМ менторларининг

замонавий тренинглари, ўзини англаш ва шахсий ривожланишга қаратилган машгу-лотлар амалга ўтказилди. Лойиҳа доирасида таш-кил этилган Call-маркази орқали институтга 500 га яқин ёш мурожаат йўллаб, курсларга ёзилди. Мурожаатларнинг кўпчилиги сабабли кўшимча гуруҳлар очилди.

Тадбирлар давомида фақат сон жиҳат-дан эмас, балки сифат жиҳатдан ҳам мо-ниторинг олиб борилади. Ҳар бир йўналиш бўйича иштирокчилар кўрсаткичлари, та-лаб ва фикрлар ўрганилди. Шу асосда янги гуруҳлар очилди, талаб юқори йўналишлар кенгайтирилди. Бундай ёндашувлар ти-зимлилиги ва натижадорлигини таъминлади.

Талабаларни маънавий ва руҳий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлашга тажрибали усто-залар, психологлар ва мураббийлар жалб қилинди. Ёзги оромгоҳда айнан шахсий ривожланиш, ўзини англаш, ҳаётини мақсадларни белгилаш каби мавзулар асосда тренинглр ўтказилди.

Барча тадбирларда ижтимоий ҳимоя-га муҳтож, ногиронлиги бўлган, оила-вий шароити оғир ёшлар алоҳида эътиборга олинган. Улар учун махсус йўриқ-қилим бириктирилиб, фаол иштирокчилари-га шароитлар яратилди. Бу орқали “ҳеч ким ортда қолмасин” тамойилига амал қилинди.

“Долзарб 90 кун” лойиҳаси ёшларнинг ёзги таътил даврида ижтимоий бекорорлик, бекорчилик, ёт ғоялар таъсирига тушиш каби ҳавфлардан узоқда бўлишини таъмин-лади. Ҳар бир ёшнинг мақсадли бандли-ги орқали жиноятчиликнинг олди олинди, ижтимоий фаоллик ортиди, руҳий саломатлик мустаҳкамланди.



Институтда бепул ташкил этилган чет тиллари ва IT курслари ёшларнинг ўз устида ишлаш маданиятини кучайтирди. Ҳар бир иштирокчи лойиҳани ўз ҳаётига янги имко-ният сифатида қабул қилди.

Лойиҳа якунига қадар 500 дан ортқ ёш икки чет тилини бошланғич ёки ўрта дара-жада эгаллайди, 100 нафардан ортиги IT му-тахассислигига асосий қадарини қўяди.

Маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, бадиий асар таҳлиллари ва “Шеърят кечалари” орқали ёшлар жамият ҳаётига фаол қўшили бошлади. Уларда ижти-моий масъулият, ўз фикрини очиқ баён этиш, мустақил фикрлаш, Ватанга дахлдорлик ҳис-си шаклланимоқда.

Лойиҳанинг энг муҳим натижаларидан бири шундаки, институт жамоаси Президент ташаббусини қозғода эмас, амалда ҳаётга таътиб қилди. Бу орқали талаба ёшлар давлат сисегатига бефарқ эмаслигини ҳис этмоқда.

“Долзарб 90 кун” Андижон давлат чет тил-лари институтида қисқа муддатда ҳам муҳим ўзгаришларни юзага келтирди олди. У оддий “ёзги машгулотлар режасидан” тубдан фарқ қилади: бу лойиҳа ёшлар ҳаётига мазмун, инти-лиш ва мақсад олиб кирди. Лойиҳа фақат ёзги мавсум тадбири эмас, бу — ёшлар салоҳиятини уйғотувчи, уларни жамиятга интеграциялов-чи ижтимоий механизмдир. Бу орқали ин-ститутимиз ёшлар учун имкониятлар эшигини очди. Уларни касб, тил, маънавият ва спорт билан боғлади. Таълим ва тарбия уйғунлигини таъминлади. Жамоа масъулиятини оширди.

Президентимиз таъкидлаганидек, олий таълим муассасаси нафақат билим берув-чи марказ, балки жамиятга фойдали шахс етиштирувчи тарбия ўчоғи бўлиши керак. Биз айнан шу йўлдан бораётимиз.





ДУНЁДА — БИР КУН, ЮРТИМИЗДА — БИР ҲАФТА

“ДЎСТЛИК” ФЕСТИВАЛИ 25-31 ИЮЛЬ КУНЛАРИ ТУРЛИ МИЛЛАТ ВАКИЛЛАРИНИ АТРОФИГА ЖАМЛАЙДИ

Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимиздаги давлат таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнлари 7 тилда олиб боришда, қардош тилли мактабларда тахсил олаётган фарзандларимиз давлат ҳисобидан дарслик ва бадий адабиётлар билан таъминланмоқда. Барча ҳудудларимиздаги “Дўстлик уйлари” турли миллатга мансуб фуқаролар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Тинчлик, миллатлар ўртасидаги аҳиллик, ҳамжиҳатлик бебаҳо неъмат. Юртимизда кечаётган янгилиниш жараёнларида миллатлараро тотувлик, ўзаро аҳиллик ва биродарлик, тинчлик ғояларини мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида ҳар йили 30 июль юртимизда “Халқлар дўстлиги” куни сифатида кенг нишонланади. Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмита томонидан ташкил этилган ва 25-31 июль кунлари давом этадиган “Дўстлик” фестивали ҳам бу борадаги оқилона ҳамда узоқни кўзловчи сиёсатнинг амалдаги ёрқин намунасидир.

Пойтахтимизда старт олган мазкур фестивалнинг ilk тадбири турли миллат вакиллари, миллий маданият марказлари вакиллари, кенг жамоатчилиқнинг “Янги Ўзбекистон” мажмуасига ташрифи билан бошланди. Фестиваль иштирокчилари “Янги Ўзбекистон” боғидаги мухташам бадий обида — Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйдилар.

— “Дўстлик” фестивалларининг ташкил этилиши мамлакатимизда миллатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, ижтимоий барқарорлиқни таъминлаш, жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр, бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш борасидаги давлат сиёсатиغا ҳамоҳанг; — дейди қўмита раиси Қаҳрамон Сариев. — Фестиваль дастури кун тартибидан бир-биридан бетакрор тадбирлар, анжуманлар, музикали дастурлар, тақдимотлар, кўргазма, халқаро хунармандчилик ярмаркаси, ижодий учрашувлар, концерт ва танловлар жой олган. Бу йилги фестивалнинг ўзига хос

жиҳати шундаки, унинг доирасига Қирғиз маданияти кунлари тадбирлари ҳам киритилган. Шу муносабат билан ушбу мамлакатдан шоир, ёзувчи, санъаткор ва жамоатчилик вакиллари билан иборат катта делегация фестивалда меҳмон сифатида иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари саройида “Дўстлик” фестивали муносабати билан гала-концерт, шунингдек, Тошкент Фотосуратлар уйида “Дўстлик нигоҳи” қардош халқлар фотосуратлари кўргазмаси ташкил этилди. Унда юртимизда барча миллат вакиллари эмин-эркин ижод қилиши учун яратилган шароитларнинг амалий натижаларини кўриш ва таъиниш имконияти яратилган. Ҳафталик доирасида бугун Тошкентдаги “Наврўз” этно-боғида “Она замин бағридан” деб номланган тадбир, Ёзувчилар уюшмасида халқлар дўстлигига бағишланган ижодий учрашув ва адабий мушоиралар ўтказиш назарда тутилган.

Куннинг аҳамиятли воқеаларидан бири эса, шубҳасиз, бу қўмита биноси жойлашган майдонда юртимиздаги миллий маданий марказлар павильонларининг очилиш тадбиридир. Унда республика миқёсида фаолият юритаётган 22 та марказнинг тақдироти бўлиб ўтди.

Эртага эса пойтахтимиз “Умумий миллий ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлаш — Янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим асоси” мавзусидаги халқаро конференцияга меҳмонлик қилади. Мазкур йилги тадбирда бугун дунёда кечаётган мураккаб шароитда ўзаро ҳамжиҳатлик, тинчлик ва барқарорлиқни асраб-авайлаш, бу борада дўстлик жамиятлари ва миллий маданий марказларнинг роли ва аҳамияти, ҳиссаси атрофича муҳофиза этилади.

Шунингдек, юрт тараққиёти, ёшлар маънавиятини юксалтириш, халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган ватандошлар, миллий маданият марказлари, ҳамкор вазирилик ва идораларнинг вакиллари “Халқлар дўстлиги” нишонини билан тақдирлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Шуниси диққатга сазоворки, болалар ёзғи оромгоҳларида “Дўстлик болалиқдан бошланади” номли маърифий тадбирлар, ҳудудлардаги маданият ва истироҳат боғларида, хиебон ва сайилгоҳларда фестивал муносабати билан санъаткорлар ва миллий маданий марказлар бадий жамоалари иштирокидаги “Дўстлик оҳанглари” деб номланган концерт дастурлари, турли халқларнинг хунармандчилик ижодиёти намуналари, мусаввирлар асарларидан иборат кўргазмалар ташкил этилган.

— Таъкидлаш жонки, кейинги йилларда жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, дўстлик муҳитини ва кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қараш руҳида тарбиялаш, хорижий мамлакатлар



билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтириш ишлари янги, юқори босқичга кўтарилди, — дейди Республика Озарбайжон миллий маданият маркази раиси Мобил Мамедов. — Маълумки, БМТ Бош Ассамблеяси қарорига мувофиқ, 30 июль бутун дунёда Халқаро дўстлик куни сифатида нишонланади. Ўзбекистоннинг кучли бағрикенглик сиёсати туфайли бу байрам, мана бир неча йиллардан бери юртимизда ҳафталик фестиваль шаклида ўтказиб келинмоқда. Кўп миллатли халқимиз бу санини кўтаринки руҳда қутиб олапти.

Хорижий давлатларда истиқомат қиладиган ватандошларимиз билан алоқаларни кучайтиришга қаратилган кенг қўламли ишлар ҳам Ўзбекистоннинг дўстлик ва инсонпарварлик диёри сифатидаги нуфузини оширишга хизмат қилмоқда. “Халқлар дўстлиги” фестивали доирасида ўтказилаётган турли маданий-маърифий ва илмий-амалий тадбирлар ҳаётимиз қондасига айланган “Ўзбекистон — умумий уйимиз” деган ғоят муҳим тамойилни янада кенг қарор топтиришда бекиёс аҳамиятга эга.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ҚАРДОШЛИК RIШТАЛАРИ МУСТАҲКАМ БЎЛГАЙ

Юртимизда асрлар давомида турли миллат ва элат вакиллари аҳил, иноқ яшаб келган. Мустақиллик даврида, айниқса, инсон қадри ҳамда қадди юксалаётган сўнгги йилларда барча миллат ва элат фарзандларининг пухта билим олиши, қобилиятини намоён этиши, маданияти, санъати, урф-одат ва анъаналарини ривожлантириши учун кенг имкониятлар яратилди.

Иқтисодиётимиз юксалиши, халқимиз фаровонлигининг ўсиши, янги Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида обрў-эътибори ва нуфузи ортиб бораётганида ушбу дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг аҳамияти бекиёсдир.

Юртимиз ва қўшни давлатларда яшайдиган турли миллат вакиллари аҳил-иноқ ҳаёт кечирishi, ўзаро дўстлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашда адабий алоқалар, бадий таржиманинг аҳамияти ҳам катта, албатта. Наманганлик ёзувчи, таржимон Қодиржон Носиров билан Дўрмонда танишганмиз. Қодиржон ака дастлаб бир неча ҳажвияни таржима қилди. Ўзим кўп йиллардан буён қардош халқлар адабиётларининг комедия, ҳикоя ва ҳажвияларини таржима қилиб, ўзбек китобхоналарига тақдим этиб келяпман.

Сўнгги йилларда рус тилида “И смех, и грех”, қирғиз тилида “Нымкесе”, қорақалпоқ тилида “Эсим қурысин” китобларим чоп этилди. Ўн босма табоқдан ортиқроқ ҳажмдаги “Америкалик қончуларим” (Америкалик қўшнилари) номли яна бир китобим Бишкекда нашр этилди. Ўтирилган асарларим асосан, ҳажвия ва ҳангомадор экани боис, ўзбек кўлигис бошқа миллатлар орасида ҳам жаранглашига ҳисса қўшаётганимдан мамнунман.

Ҳар қандай ижодкор асарларини кўпроқ ўқувчи ўқийшини истайди. Бу ҳол қўп жиҳатдан таржимон ва ноширларга боғлиқ. Турли халқлар орасида муҳлисларим доираси кенгайиб боришида ҳажвия, ҳангомадоримни рус тилига ўтирган Қодиржон Носиров, қирғиз таржимонлари Тўрабой Жўров, Айтмирза Абиликсимов, қорақалпоқ шоири ва таржимони Туркменбой Жийемуратовнинг хизматлари катта.

Эсимда “И смех, и грех” тақдироти ўзим кўп йиллар илмий-педагогик фаолият юритган Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида ўтказилганди. Ўшанда бу каби тадбирлар миллатлараро дўстлик ва қардошлик алоқалари мустаҳкамланишида аҳамиятли эканини дилдан ҳис қилганман.

Қорақалпоқ шоири ва таржимони, дўстим Туркменбой Жийемуратов билан ҳам Дўрмон ижод уйида танишганмиз. У аввал ҳажвияларини таржима қилиб, “Эркин Қорақалпоғистон”, “Қорақалпоқ



адабиёти”, “Қорақалпоқ ёшлари” газеталари, “Амударё” журнали саҳифаларида эълон қилди. Кейин китоб қилиш истаги туғилган, Бекназар Ернарзоров, Марат Таўмуратовнинг таржималари ҳам қўшилди ва “Эсим қурысин” тўпламим Нукусда “Жазыўшы” нашриётида чоп этилди.

Қирғизистонлик ижодкор дўстларимиз билан ўзаро борди-келди ва ижодий алоқаларимиз ҳам самарали бўляпти. Бир гуруҳ ижодкорлар 2022 йил май ойида Қирғизистоннинг Лайлак туманида улуг қирғиз оқини Қурбонали Собиров таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб ўтказилган адабиёт кунларида иштирок этгандик.

Ўзал ва мафтункор табиати, адабиёт ва санъатга ошно, меҳмондўст ва бағрикенг халқи билан бизда бир олам таассуротлар қолдирган қардошлар диёрида адабиёт кунларига Бишкекдан келган қирғиз халқ оқини Акбар Рисқул, таниқли шоирлар Ўмирбек Тиллабоев, Аблаат Дооров, ўзбек-қирғиз адабий алоқалари жонқуярлари, шоир Охун Жўра, журналист Соҳиба Шокирова каби кўплаб ижодкорлар билан танишдик, бир-биримизга китоблар совға қилдик.

Сафардан қайтганимиздан сўнг унча кўп вақт ўтмай, телефонимга “Китобингизнинг таржимаси ниҳоясига етди. ... рақамга кўнгирик қилинг”, деган хабар келди. Кўнгирик қилдим. Ўшакни адабиёт кунларида танишган шоир дўстимиз, Қирғизистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Тўрабой Жўров олди ва “Нимкоса” китобим унга маъқул бўлганини, сафарда юрганимиздаёқ таржимани бошлаганини, қайтган, бошқа иш қилмай уни яқунлаганини, энди китобим нашр эттириш ниятида эканини айтди. Китобча кўпчиликка манзур бўлаётганини қўшиб қўйдим. Мамнун бўлиб, миннатдорлик билдирдим.

Орадан бир мунча вақт ўтиб, китоб нашр этилгани ҳақида хабар олдик. Кейинроқ қирғизистонлик ижодкор дўстларимиз шў жажжи китобим тақдиротиغا таклиф этди. Ўш давлат университетида қирғиз тилида чоп этилган “Нымкесе” китобим тақдироти муносабати билан маънавий-маърифий, адабий-бадий анжуман бўлди. Қирғиз йигит-қизларининг қизгин савол-жавоб, мулоқотлари уларнинг китобга, бадий адабиётга ошно эканини яққол кўрсатди.

Кейинроқ “Амир Темури ва Темурийларнинг дунё цивилизациясида тутган ўрни” мавзусида ҳамкорликдаги халқаро илмий-амалий конференцияни Ўш шаҳрида юқори савияда ўтказиш мақсадида Халқаро Амир Темури жамоат фонди раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али раҳбарлигида бир гуруҳ олим ва ижодкорлар билан қардошлар юртида бўлдик.

Тарихчи олимлар, ижодкорлар, журналистлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этган анжуманда Соҳибқирон бобомизнинг адолатни ўзига шиор қилиб олгани, муҳри ва узусида ҳам “Куч — адолатда” шиори битилгани, давлат бошқаруви, ҳарбий юришларни оддий маиший муносабатларда ҳам адолат тамойилларига қатъий амал қилгани ҳақида сўз борди.

Амир Темури ҳаёти, фаолияти ва маънавий меросини, давлат бошқаруви, адолат тамойиллари, инсон қадрини улуглаш борасидаги қарашларини ўрганиш ва тарғиб қилиш бугунги кунда давлатлараро манфаатли ҳамкорлиқни ривожлантириш, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлаш ҳамда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда бекиёс аҳамиятга эга экани эътироф этилди. Илмий-ижодий ҳамкорлик ишлари қўламини кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш хусусида фикр алмашилди.

Мамлакатимизда сўнгги етти-саккиз йилда яқин қўшнилари билан алоқаларимизни тиклаш ва яхшилаш бўйича катта ишлар қилинди. Натижада қардош халқлар алоқаларини кенгайтириш, дўстлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга эришилмоқда.

Ҳар гал адабий алоқаларимиз, мустаҳкам қардошлик ришталаримиз ҳақида ўйлаганимда, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг қуйидаги сатрлари қўлоқларим остида жаранглайди:

Матлаб бир бўлмаса — жам бўлмағайми,
Жам бўлсак — бошимиз ҳам бўлмағайми.
Жам қилсак, инсофу диёнатни ҳам,
Дунёда ҳеч кимдан кам бўлмағайми

Ҳабиб СИДДИҚ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Ойбек Парбозов (3-дан 2-суратлари).

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланган.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-746.
34972 нусхада босилган.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет усули**да босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Сардор Толлибоев
Мусахҳих: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрхисаб кўчаси, 85-уй